БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН | № 57 (16.747). | 10 март 1977 йил, пайшанба | Баҳоси 2 тийин.

ЎН ТЎРТЛАР ҲАРАКАТИ КЕНГ ҚАНОТ ЁЗАВЕРСИН

ДАЪВАТКОР КУЧ

Республикамиз меҳнаткашлари ўнинчи беш йиллигининг иккинчи йили топшириқларини бажаришга коммунистик партиямизнинг XXV съезди ўртага қўйган улуғвор вазифаларни амалга оширишдаги юксак масъулият туйғуси билан киришдилар.

Ўтган тўққизинчи беш йиллик менинг ҳаётимда ҳам унутилмас из қолдирди. Ҳали-ҳали эсимда. Беш йилликнинг бошлари эди. Автобаза ишчи-хизматчиларининг умумий йиғилишида ўз зиммамга оширилган мажбурият олдим. «Беш йиллик топшириқни тўрт йилда бажараман!» — деб сўз бердим. Баъзи ҳамкасбларим ишонишмади. Вақт ўтаверди. Имкониятларимни ишга солиб кўпроқ юк ташиш, автомобилдан фойдаланиш коэффициентини тағин ҳам ошириш, мавжуд резерв ларни кидириб топиб, уларни жорий этиш устида ўйладим, изладим. Ҳаракатларим зое кетмади. Ишимга унум кирди. Кунлик топшириқларимни ошириб бажара бошладим. Тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи йилига якун ясалмасданоқ катта ютуқни қўлга киритдим. Зиммамга олган шахсий беш йиллик топшириқни уч йилда адо этдим. Автомобилдан фойдаланиш коэффициентини нормадаги 66 процент ўрнига 89 фоизга етказдим. Планга қўшимча 39 минг тонна қурилиш материали ташиб, тўрт ярим тонна ёнилғи, 14 комплект шина, 21 минг сўмликдан эшёд эҳтиёт қисмлар тежаб қолишга муяссар бўлдим. Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигидан корхонамизга келган телеграммада айтилишича, менинг бу муваффақиятим республика миқёсида рекорд кўрсаткич экан. Партия ва ҳукуматимиз тўққизинчи беш йилликдаги камтарин меҳнатимни юксак қадрлади. Кўксимдаги Меҳнат Қизил Байроқ ордени ёнига Ленин ордени тақиб қўйди.

Янада олға юриш, янги маррани забт этиш совет кишиларига хос фазилат, ишчилик шарафини улуғлаш, демакдир. Тўққизинчи беш йилликда қўлга киритилган муваффақиятларимга таянган ҳолда ўнинчи беш йилликка қадил қадам қўйдим. Бир беш йилликда икки беш йиллик топширигини уддалаш мажбуриятини олдим. Кўзланган маррага осонликча етиш мумкин эмаслигини қалбдан ҳис қилардим. Демак, меҳнат унумдорлигини кескин кўтариш учун янги резерв ларни излаб топиб, ҳаракатга келтиришим зарур эди. Хўш, улар қаерда? Автомобиль ремонтига, машинага юк ортиш-туширишга кетадиган вақтни қисқартириш мумкин-ку! Автомобилга техника хизмати кўрсатишни ишдан кейин ҳам амалга оширса бўлади-ку! Арзимаган баҳона билан машинани тўхтатавериш ҳам иш унумига путур етказади. Ана шуларни ҳисобга олдим. Натижада машинадан самарали фойдаланиш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига ўтган йилнинг саккиз ойи ичида 70 минг тонна-километр ўрнига 145,4 минг тонна-километр йўл босдим. Ўша кунлари министрлигимиз системасидаги яна етти нафар шофер ҳам съездлар йили топшириғини ярим йилда адо этган экан. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети бизларни қизғин қутлади. «Ушбу беш йилликда икки беш йиллик топширигини бажариш юзасидан сизлар олган қўшимча юксак социалистик мажбуриятлар, — дейилади қутловда, — республика меҳнаткашлари онглилиги ва ижодий активлиги даражаси ўсганлигининг, улар КПСС XXV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XIX съезди қарорларини рўёбга чиқариш учун астойдил интилаётганлигининг ёрқин далилидир». Табрик биз, шоферларни янада руҳлантириб юборди.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йили топшириқларини адо этишга киришган кунларимизда республика саноат ва транспорт корхоналаридаги 14 нафар ишлаб чиқариш илғорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш ва ўнинчи беш йиллик топшириқларини муддатидан илгари бажариш юзасидан ватанпарварлик ташаббуси билан майдонга чиқдилар. Улар Октябрь инқилобининг шонли 60 йиллик кунигача 3,5-4 йиллик топширикни бажариб, шу тарика ўнинчи беш йилликда икки беш йиллик план бажаришнинг таъминлашга аҳд қилдилар. Корхонамиз ишчи ва хизматчилари «Ўн тўртлар ҳаракати» ташаббускорларининг даъватларини чуқур ўрганиб, ички имкониятларини батафсил ҳисоб-китоб қилиб, зиммаларига янги мажбуриятлар олмоқдалар. Мен ўзим эса тўрт йиллик топширикни йил охирида эмас, балки Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги арафасида. Автомобиль транспорти ходимларининг анъанавий байрами кунларида адо этишга сўз бердим.

Ҳ. АБДУЖАББОРОВ,
Бекободдаги 16-автобаза шофери. Ленин ордени кавалери.

◆ УНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК МЕҲНАТ ВАХТАСИ АВЖИДА

◆ ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ ЗАФАРЛАРИ САЛМОҚЛИ БЎЛСИН

◆ КУКЛАМ — МЕҲНАТ БИЛАН КУРКАМ

◆ ЗАРБДОР ОБЪЕКТЛАРГА — ЗАРБДОР СУРЪАТ

«ҚИЗИЛ ШАНБАЛИК» ОЛДИДАН

● БУХОРО

МЕҲНАТ БАЙРАМИ БЎЛАДИ

Бухоро трикотаж фабрикасида смена тугади. Конвейер линиялари ўчирилди. Машиналар тўхтатилди. Аммо, ишчилар тарқалишмади. Улар В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллиги ва Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини кандай ўтказишни маслаҳатлашиб олиш учун митингга тўпланишди.

Митинг қатнашчилари 16 апрель куни 26 минг сўмлик 10 мингта трикотаж маҳсулоти ишлаб чиқариш, уларнинг учдан биридан кўпроғини тежаб қолинган материал ва хомашё ҳисобига тайёрлашга қарор қилдилар. Шу кунги маҳсулотларнинг 15 проценти эса давлат Сифат белгиси билан тикилади.

Бўёқчилардан Муртазо Имомқулов, Шариф Мирзаев, тўқувчилардан Манзура Ашурова, Муҳтарам Ражабова, тикувчи-мотористкалар Муаттар Гадоева, Ирина Валиева, бутловчилар Муҳаррам Каирова, Султон Атоев ва бошқалар икки кун лик нормани адо этишга сўз бердилар.

● ФАРҒОНА

МАРҒИЛОН ИШЧИЛАРИ СЎЗИ

Марғилон шойи комбинатининг кўп минг кишилик коллективи 16 апрель куни якдиллик билан коммунистик шанбаликда қатнашишга аҳд қилди. Корхона тўқувчилари қизил шанбаликни энг юқори меҳнат унумдорлигига эришиш билан нишонлашга, 390 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ва асбоб-ускуналарни профилактик ремонтдан чиқаришга келишиб олишди.

Доҳий В. И. Ленин туғилган куннинг 107 йиллиги ҳамда Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллиги шарафига Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигини муносиб ўтказишга бағишланган оммавий митинглар «Атлас» жойи ишлаб чиқариш бирлашмасида, трактор ремонти заводида ва шаҳардаги бошқа корхоналарда ҳам бўлиб, мажбуриятлар қабул қилинди.

● САМАРҚАНД

АНЪАНАЛАРГА САДОҚАТ

Коммунистик меҳнат байрами — қизил шанбаликда Самарқанддаги 8 Март номли тикувчилик фабрикасининг барча 2300 ишчи ва хизматчиси қатнашади.

Самарқандлик тикувчилар «Буюк почин» анъаналарига садоқатларини намойиш қилиб, 16 апрель куни 6 мингта кийим-кечак тикиб бериш, ишлаб топилган бир кунлик 4 минг 700 сўм пулни ўнинчи беш йиллик фондига ўтказиш мажбуриятини олдилар.

Корхонада В. И. Ленин таваллудининг 107 йиллиги ҳамда Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги шарафига ўтказиладиган қизил шанбаликни зарбдор меҳнат билан нишонлашга қизғин тайёргарлик кетмоқда.

СИРДАРЁ ГРЭСи ҚУРИЛИШИДА

Урта Осиё энергетикаси байроқдори — Сирдарё ГРЭСи бунёдкорлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун мусобақалашиб, иш суръатни кун сайин оширмоқдалар. Улар шу йилнинг ўзида мўлжалдаги битта ўрнига иккита энергоблокни фойдаланишга топшириш мажбуриятини олганлар. Суратда: (юқорида) қурилишда илғорлик қилаётган Л. Киселев (чапдан учинчи) бошлиқ монтажчилар бригадаси аъзолари.

А. Горонрик фотоси. (ЎзТАГ).

СССР МУДОФАА МИНИСТРЛИГИДА

1977 йил 31 мартдан 5 апрелгача бўлган давр ичида қуруқликдаги қўшинлар ва ҳарбий ҳаво кучлари қисмлари ҳамда бўлинмаларининг баҳожиҳат ҳаракат қилишларини аниқлаш мақсадида Кишинев, Одесса, Николаев районида қўшин машқларини ўтказиш планлаштирилмоқда.

Машқларда салкам 25 минг кишидан иборат қўшин қатнашиши назарда тутилади.

ЮКСАК МАРРАЛАР

ЖИЗЗАХ, 9 март. (ЎзТАГ). Бугун Жиззах области партия-хўжалик активининг йиғилиши бўлиб ўтди. Область партия комитетининг биринчи секретари С. М. Тоиров «Область партия ташкилотининг Улуғ Октябрь 60 йиллигини муносиб кутиб олиш соҳасидаги вазифалари тўғрисида» доклад қилди.

Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилига социалистик мажбуриятлар қабул қилинди: 320 минг тонна «оқ олтин» етиштирилади, давлатга 150 минг тонна дон, шу жумладан 30 минг тонна маккажўхори сотилади, дон ҳосилдорлиги гектар бошига 70 центнерга қадар етказилади, гўшт етиштириш 19 процент кўпайтирилади ва 21 минг тоннагача етказилади.

Йиғилишда КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов нутқ сўзлади.

Ш. Р. Рашидов йиғилиш аҳлининг гулдурос қарсаклари остида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, республика Министрлар Совети, Ўзсовпроф ва Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини областга топширди. Область ўтган йилги республика социалистик мусобақасида эришган юксак кўрсаткичлари учун шу мукофотга сазовор бўлган эди.

ПАРТИЯ АКТИВИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

УРГАНЧ, 9 март. (ЎзТАГ). Бугун бу ерда Хоразм область партия активи йиғилиши бўлди. КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарори асосида область партия ташкилотининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари М. Худойберганов доклад қилди.

Область партия ташкилотининг саноатда бошқариш ва план интизомини мустаҳкамлаш тўғрисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети V пленумининг қарорида келиб чиқадиган вазифалари ҳам муҳокама қилинди.

Область партия активи йиғилишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади.

Қишлоқ хўжалик ишлари кундалиги

БАРЧА ТЕХНИКА ТАХТ БЎЛСИН!

Юртимизга баҳор келиши билан қишлоқ меҳнаткашларининг танвиши кўпайди. Улар КПСС Марказий Комитетининг колхозчилар, совхоз ишчилари, механизаторларга қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришини юксалтириш масалалари бўйича Мактубини кўтаринкилик билан кутиб олиб, барча жабҳаларда социалистик мусобакани янада авж олдириб юбордилар.

Бу йил қиш оғир келганлиги оқибатида дала ишларининг хажми бирмунча кўпайди. Суғориладиган ва лалмикор ерларда анчагина майдонларни ҳайдаш, бир талай экишолди ишларини бажариш тақозо қилинмоқда. Бироқ, синоптиклар берган маълумотлар баҳор обҳавоси кувончли бўлмаслигини кўрсатмоқда. Бундай шароитларда экиш ишларининг муваффақияти қишлоқ меҳнаткашларининг шижоатли меҳнат қилишига, қишлоқ хўжалик техникасининг ўз муддатида ва сифатли тайёр қилинишига боғлиқ. Лекин бу масала ҳамма ерда ҳам кўнгилли боряпти, деб бўлмайди. Буни шундан ҳам билса бўладики, шу йил 1 мартгача республика колхоз ва совхозларида барча тракторларнинг 92.2 проценти, ҳайдов тракторларининг эса 90.1 проценти мавсумга шай қилинган, холос.

Қуйидаги жадвалда Қорақалпоғистон АССР ва республикамиз областларида асосий қишлоқ хўжалик техникасининг мавсумга тайёргарлиги кўрсатилган (процент ҳисобида):

	Тракторлар жами	Шу жумладан, ҳайдов тракторлари	Сеялкалар жами	Шу жумладан, чигит экиш сеялкалари
ҚҚАССР	77,4	67,4	74,6	80,3
Андижон	97,8	97,5	99,8	100,0
Бухоро	92,6	96,2	99,2	99,8
Жиззах	93,6	88,0	93,9	93,2
Қашқадарё	87,4	85,7	91,5	98,2
Наманган	97,1	97,5	99,6	100,0
Самарқанд	91,3	91,7	91,5	100,0
Сурхондарё	95,0	94,2	100,0	100,0
Сирдарё	100,0	100,0	100,0	100,0
Тошкент	94,7	96,5	98,9	99,8
Фарғона	94,3	97,7	99,6	100,0
Хоразм	88,9	83,5	92,3	94,6

Сирдарё, Андижон, Наманган, Фарғона, Тошкент областларининг колхоз ва совхозлари тракторлар ва қишлоқ хўжалик техникасини тайёрлашни асосан тугалладилар.

Бухоро ва Сурхондарё областлари хўжаликларида тракторлар ва экиш олди техникасини тайёрлаш уюшқоқлик билан бормоқда. Ҳозир бу областларда ремонт ниҳоясига етай деб қолди. Ҳайдов ва чопиқ тракторларининг 94—96 проценти тайёр ҳолга келтирилди.

Республиканинг кўпчилик хўжаликларида экиш агрегатларини комплектлаш ва созлашга киришилди, экипаж аъзоларини ўқитиш ва кўрсатмалар бериш давом этмоқда.

Бу иш Сирдарё, Тошкент, Андижон областларида, Наманган, Қарқўрғон, Жиззах, Ўзбекистон, Оқдарё, Ғиждувон районларида айниқса яхши бормоқда.

Бироқ, Қорақалпоғистон АССР, Хоразм ва Қашқадарё областларида тракторларни, айниқса ҳайдов тракторларини мавсумга тайёрлаш кечикмоқда. Бу жойларда суғориладиган ва лалмикор ерларда майдонларни ҳайдаш соҳасида кўп иш қилиниши керак.

Қорақалпоғистон АССРда ҳалигача 1206 ҳайдов трактори, 1196 плуг, 579 сеялка тайёр қилингани йўқ. Хоразм областида 346 ҳайдов трактори, 200 плуг ва 117 сеялка тайёр ҳолга келтирилмаган. Қашқадарё области хўжаликларида қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилиш яхши аҳволда эмас. Бу ерда юзлаб трактор ва қишлоқ хўжалик машиналари хўжаликлар ва «Узсельхозтехника» район бирлашмалари устаханаларида турибди.

Агрегатларнинг далага чиқишига оз муддат қолганига қарамай, механизаторларнинг ҳаммаси ҳалигача ремонт ишларига жалб этилмаган. Қорақалпоғистон АССРда қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда қатнашадиган 6 минг механизатордан амалда 3 минг нафаригина қатнашмоқда, холос. Хоразм областида эса 5 минг механизаторнинг ярмигина техника ремонтида иштирок этмоқда.

Барча механизатор кадрларни ремонт ишларига шошилинч равишда жалб этмасдан туриб, қишлоқ хўжалик техникасининг баҳор-дала ишлари бошланишигача ўз вақтида тайёр бўлишига эришиб бўлмайди. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарининг дала ишларига вақтида, юқори сифатли шай бўлиши улардан самарали фойдаланишнинг муҳим шартларидан биридир.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмаси қишлоқ хўжалик техникасини ремонт қилишда орқада бораётган областлар, районларга, айниқса Қорақалпоғистон АССР хўжаликларига тез ёрдам бериши керак.

Бироқ, айрим колхоз ва совхозларда сон орқасидан қувиб иш сифати унутиб қўйилмоқда. Тракторлар ва қишлоқ хўжалик машиналарини тайёрлаш сифати жиддий ташвиш туғдирмоқда. Самарқанд, Қашқадарё областлари ва Қорақалпоғистон АССР хўжаликлари, район бирлашмаларида техникани сифатсиз ремонт қилиш ҳолларига йўл қўйилмоқда.

Барча районларда ҳам ҳали техникани дала ишларига тайёрлаш сифатини ўзаро текширишдан ўтказиш ишлари бошланганг йўқ. Қишлоқ хўжалик техникасини дала ишларига тайёрлашнинг маъмурий муддатлари ўтиб кетди. Ҳалигача юзлаб машиналар кўклам-дала ишларига тайёр қилинмаган хўжаликлар, район қишлоқ хўжалик бошқармалари, «Узсельхозтехника» область ва район бирлашмаларининг раҳбарлари бунга қандай баҳона топар эканлар?

Техникани дала ишларига тезроқ тайёрлаш учун барча куч ва воситаларни сафарбар этиш чораларини кўриш керак.

ЮКСАК МУКОФОТГА ЖАВОБАН

САМАРҚАНД, 9 март. (ЎзТАГ). Область партия ташкилоти активининг бугун бўлиб ўтган йиғилишида КПСС Марказий Комитетининг «Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги тўғрисида»ги қарорини бажариш соҳасида Самарқанд области коммунистларининг, барча меҳнаткашларининг вазифалари муҳокама қилинди. Область партия комитетининг биринчи секретари Б. Р. Раҳимов доклад қилди.

Йиғилишда Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Раиси Н. Ж. Худойбердиев нутқ сўзлади. У Самарқанд шаҳрига КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғини топширди. Шаҳар ишлаб чиқариш самарадорлиги ва иш сифатини ошириш учун, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили халқ хўжалик планини муваффақиятли бажариш учун ўтказилган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида энг юқори кўрсаткичларга эришганлиги учун шу мукофотга сазовор бўлган эди.

Самарқанд областига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, Ўзбекистон Касаба союзлари республика Совети ва Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи ҳам топширилди. Область 1976 йилги республика социалистик мусобақасида юксак натижаларга эришганлиги учун шу мукофот билан тақдирланган эди.

ЯНГИ ЧЎҚҚИЛАР САРИ

СОЛДАТСКИЙ (Тошкент области), 9 март. (ЎзТАГ). Қуйи Чирчиқ районининг юзлаб меҳнаткашлари Ленин номли колхоз клубида бўлиб ўтган тантанали йиғилишга тўпландилар. Йиғилиш районнинг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида эришган муваффақиятлари учун КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг кўчма Қизил байроғи билан мукофотланганлигига бағишланди. Кўчма Қизил байроқни Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов топширди.

Йиғилиш иштирокчилари КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетига табрикнома қабул қилдилар.

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ПЛЕНУМИ

САМАРҚАНД. («Совет Ўзбекистони» мухбири). Самарқанд область партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ўртоқ Абдуҳолиқ Каримов Ўзбекистон Компартияси Сурхондарё область комитетининг биринчи секретари қилиб сайланганлиги муносабати билан пленум уни Самарқанд область партия комитети секретари ва бюро аъзолигидан озод қилди, обком секретари ва бюро аъзолигига ўртоқ Абдушукур Маматқулов сайланди.

Пленум ишида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзоси, республика Министрлар Совети раиси Н. Ж. Худойбердиев қатнашди.

Л. ЭРГАШЕВ.

СЎЗ-ТАШАББУСКОР ОБЛАСТЬ ЧОРВАДОРЛАРИГА

НУРАФШОН УФҚЛАР

Давр тезкорлик билан олга бораяпти. Биз қаршисида оладиган ҳар бир кун, ҳар бир ой, ҳар бир йилнинг ўз талаб-эҳтиёжлари, меҳнат ва роҳатлари бор. Жумладан, хўжалигимиз ҳам кун сайин юксалиб, камол топмоқда, ишчи ва хизматчиларнинг турмуши тобора фаровонлашмоқда. Ўтган йиллардаги мажбуриятларимиз бугунги кунинг плани бўлиб қолаяпти. Янги марраларимиз давр талабларига монанд ҳолда юксак бўлаяпти. Шундай бўлиши табиий, албатта.

Бу йил Улуғ Октябрнинг кутлуғ 60 йиллиги нишонланади. Тўйга тўёна билан бориш халқимизнинг доимий одати. Хўжалигимиз коллективи КПСС Марказий Комитети, СССР Министрлар Совети, ВЦСПС ва ВЛКСМ Марказий Комитетининг Бутуниттифоқ социалистик мусобақасини ўтказиш тўғрисидаги қарорини жуда катта сиёсий аҳамиятга эга бўлган ҳужжат сифатида қабул қилиб, Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига қўшилди. Улар шу кунларда янги ёрқин уфқларни кўзлаб ишлашяпти. Кетма-кет совук ва қорли кунлар бўлиб турган пайтларда ҳам қишлов кўнгилдагидек ўтди. 56 минг бош қўйимиз бор. Шулардан 36 минг боши совлиқ. План бўйича ҳар юз совлиқдан 110 тадан қўзи олишимиз лозим эди. Имкониятларимизни пухта ўрганиб чиқиб, ҳар юз бош совлиқдан 150 тадан қўзи олишга, давлатга 28 минг дона сифатли қорақўл тери етказиб беришга қарор қилдик. Планда кўзда тутилган 11 минг дона қўзи ўстиришга қолдирилади. Бирорта ҳам урғочи қўзининг нобуд бўлишига йўл қўйилмайди. Ҳар бош қўйдан ўртача 3,5 килограммга етказиб жун қиркиб оламиз ва давлатга социалистик мажбуриятимизда белгиланган 180 тонна жунни албатта топширамиз.

Биз хўжалигимиздаги ишбилармон, меҳнатсевар, вафодасига вафодор кишиларга қаттиқ суянганимиз ҳолда шундай улкан мажбуриятлар олганмиз. Заводимиз қошида учта ферма бўлиб, уларга чорвачиликда суяги қотган, шу соҳада катта тажриба тўплаган ўртоқлар бошчилик қилишади. Йўлдош Ҳалилов мудирлик қилаётган 1-ферма яйлов баҳодирлари бу йил боқимларидаги 14 минг бош совлиқнинг ҳар юз бошидан 155 тадан қўзи олишни мўлжаллаб, туну кун унумли меҳнат қилишяпти, бирорта ҳам чиқимга йўл қўйётганлари йўқ. Қўйлари семиз. Шу ферманинг доигдор бош чўпони, Ленин ордени кавалери Чала Раҳимов боқимидаги 750 бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 210 тадан қўзи олишга қарор қилган. Биринчи ферманинг илғор бош чўпонлари Шомир Қодиров, Бобоёр Эшқувватовлар ҳам ҳар юз совлиқдан 185-200 тадан қўзи олишмоқчи.

2-ферма чорвадорларининг мақсадлари ҳам юксак. Чоршанба Тўрахонов бошчилик қилаётган бу аҳил коллективнинг 11 минг бош совлиқнинг ҳар юзтасидан 150 тадан ошириб кўзи олишга шай бўлиб турибди. Ферманинг илғор бош чўпонлари Қўчқор Турсунов, Қилич Тўрахоновлар эса янада юксак марраларни кўзлашган. Улар ҳар юз бош совлиқдан 180—200 тадан кўзи олишади.

Тажрибали чорвадор Аҳмад Маҳсумов мудирлик қилаётган 3-фермамизда 11 минг бош совлиқ бўлиб, унинг ҳар юз бошидан 150 тадан ошириб кўзи олинади. Фермада бундан ҳам юқори марраларни кўзлаган азаматлар оз эмас. Жумладан, бош чўпонлардан Раҳмат Норбўтаев: «Боқимимдаги 740 совлиқнинг ҳар юзтасидан 210 тадан кўзи оламан» — деб ваъда берди. Тажрибали чорвадор, шубҳасиз, ўз сўзининг устидан чиқади. Шу фермaнинг бош чўпони Шомир Ниёзмуродов эса 680 совлиқнинг ҳар юзтасидан 180 тадан ошириб кўзи олиш мажбуриятини олган.

Маълумки, мустаҳкам озуқа базаси бунёд этмай туриб, чорвани соғлом ва семиз сақлаб бўлмайди. Ўтган йили икки йилга, ҳатто, ундан ҳам кўпга етадиган миқдорда дағал ҳашак жамғариб қўйган эдик. 5200 гектар майдонга экилган бўғдой ва арпадан ўн план миқдорида somon ва галла олдик. Бу ҳазилакам ғаллом эмас. Ўтган кузда 3200 гектар ерга арпа, 2800 гектар ерга бўғдой эндик. Намгарчилик яхши бўлган бу йилда ҳам ҳосил ўтган йилдагидан кам бўлмайди.

Чўпон-чўлиқларга яхши шароит яратиб бериш бирор кун ҳам диққат-эътиборимиздан четда қолаётгани йўқ. Ҳамма фермаларимизда электр движоклари мунтазам ишлаб турибди. Хонадонлар электр нури билан ёритилган. У ердаги телевизор ва радиолар дунё янгиликларини, Ватанимиз меҳнаткашлари эришаётган ютуқларини, ўзаро ва ҳамма ерлардаги ишлаётган ҳамкасбларимиз ҳақидаги ҳаётий ҳикоя ва мақолаларни етказиб турибди. Магазинлар, кўчма дўконлар, кўчма кино установкалар мунтазам равишда чўпон-чўлиқларимизга хизмат кўрсатмоқда.

Ҳадемай кўзилатиш мавсуми бошланади. Коллективимиз бу масъулиятли ишга пухта ҳозирлик кўриб қўйган.

Хўжалигимиз меҳнат аҳли ердан, мавжуд техникадан, барча озуқа резервларидан яна ҳам яхшироқ фойдаланиб, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтиравердилар ҳамда озуқа базасини мустаҳкамлайдилар. Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллик байрамини КПСС XXV съезди ҳамда Ўзбекистон Компартияси XIX съезди тарихий қарорларида белгилаб берилган аниқ режаларни амалга оширишда фаол қатнашиш билан нишонлайдилар. Социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарадилар.

Т. МАМАДИЕРОВ.
Қашқадарё область, Ғузор районидаги «Ғузор» давлат наслчилик заводи директори.

А. ОМОНОВ.
совхоз партия комитетининг секретари.

Халқ контроли Саҳифаси

Меҳнат ва маблағ сарфини камайтириш, ҳар бир ишда тежамкорликка эришиш, айниқса маҳсулот сифатини яхшилаш Тошкент тўқимачилик комбинати халқ назоратчилари фаолиятидан муҳим ўрин олмоқда. Корхонадаги барча тўқувчилар тежамкорлик ва иқтисод қилиш жамоат кўригида актив қатнашмоқдалар. Шулардан бири Рашид Абдуллаевдир. У фақат ўзи яхши ишлабгина қолмай бошқаларни ҳам шунга ўргатмоқда. У корхонанинг энг тажрибали халқ назоратчиларидан бири.

Суратда: Р. Абдуллаев шогирдлари М. Назруллаева ва М. Тўйчиев бажарган иш сифатини кўздан кечирялти.

Ҳ. Мирзакаримов фотоси.



◆ КУРИК ДАВОМ ЭТЯПТИ ◆ ҚУВОНЧ ВА РАНЖ ◆ ТЕЖАШДА ГАП КЎП ◆ ВАҚТИНГ КЕТДИ — НАҚДИНГ КЕТДИ ◆ УРУҒЛИК ҚИДИРИБ ◆ ЖАРИМАГА 150 МИНГ СЎМ.

РЕСПУБЛИКАМИЗ меҳнаткашлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар олиб меҳнат қилмоқдалар. Уларнинг куч-ғайратлари самарадорлик ва иш сифатини, меҳнат унумдорлигини оширишга, материал, моддий ресурсларни, хом ашё, ёқилғи ва энергияни тежаш режимини кучайтиришга, олинган мажбурият ва муқобил планларни муваффақиятли бажаришга қаратилган. Ўртоқ Л.И.Брежнев КПСС XXV съездида таъкидлаганидек, қаттиқ иқтисод қилиш ва тежамкорлик халқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим шарти, ҳар бир сўмни, ҳар бир меҳнат соатини, маҳсулотнинг ҳар бир тоннасини аниқ ҳисоблаб, ундан самарали фойдаланиш, хўжасизлик ва тартибсизликни мутлақо тугатиш кунимизнинг асосий вазифаси қилиб қўйилди. Тежамкорлик учун кураш зарбдор фронт бўлиб қолди. Шу кунларда республикамиз корхона ва қурилишларида, колхоз ва совхозларида қизғин давом этаётган тежамкорлик ва иқтисод қилиш жамоат кўриги ана шу вазифаларни амалга оширишда катта роль ўйнамоқда. Бу умумхалқ кўриги Улуғ Октябрнинг 60 йиллик юбилейини муносиб кутиб олиш, ўнинчи беш йиллик топшириқларини муваффақиятли бажариш учун олиб борилаётган умумхалқ курашига қўшилиб кетди. Ушбу саҳифа тежамкорлик ва иқтисод қилиш жамоат кўригининг дастлабки натижаларига бағишланади. Халқ назоратчилари, ишчи ва қишлоқ мухбирлари, ишлаб чиқариш илғорлари кўрик ва текшириш давомида ўзлари аниқлаган ютуқ ва камчиликлар ҳақида ҳикоя қиладилар.

Тажриба, ташаббус, изланиш

БУРЧ ВА МАСЪУЛИЯТ

Йилнинг дастлабки икки ойи ўтди. Ишлаб чиқариш корхоналари ва қурилиш ташкилотларининг партия комитетлари ва дирекцияларига меҳнатда эришилаётган муваффақиятлар ҳақида ҳар куни кўплаб хушхабарлар келиб турибди. Меҳнат рапортларининг кўп қисмида Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги олдидан бошланган социалистик мусобақада эришилаётган ютуқлар, ойлик план-топшириқларнинг муддатидан илгари бажарилаётгани, тежамкорлик ва иқтисод қилиш юзасидан амалга оширилаётган ибратли ишлар ҳақида ҳикоя қилинади. Мана хушхабарлардан намуналар: Олмалиқ кон-металлургия комбинати халқ назоратчиларининг актив фаолияти натижасида бойитиш фабрикасининг руда майдалаш участкасида меҳнат унумдорлиги кескин ошди, мис заводи, олтингугурт цехи қозон утилизаторининг лойиҳадаги қуввати ўзлаштирилди, ТЭЦ қозонхоналарида газ горелкалари реконструкцияси тугатиланди. Буларнинг ҳаммаси комбинат учун 5921 тонна шартли ёқилғи, 11376 гикокалорий иссиқлик, 35 миллион 292 минг киловатт-соат электр энергиясини тежаб қолиш имконини бермоқда. Чирчиқ «Электрохимпром» бирлашмасида халқ назоратчиларининг таклифи билан йилига 12 миллион киловатт соат электр энергиясини тежаб қолиш имконини берадиган ташкилий-техникавий тадбирлар ишлаб чиқилди. Ана шу тадбирлар натижасида бирлашма корхоналарида икки ой ичида 3 миллион киловатт-соат электр энергияси тежаб қолинди. Шуниси қувончлики, бу тадбирлар асосан халқ назоратчиларининг таклифи ва актив иштироки билан, уларнинг доимий назорати остида амалга оширилмоқда.

Халқ контроли группалари назоратчиларнинг меҳнат ва жамоат ишларидаги активлигини янада оширишни энг муҳим вазифа деб билмоқдалар, материал ва пул маблағларидан, хом ашё ва иш вақтидан самарали фойдаланиш, хўжасизлик ва тартибсизликни келтириб чиқарадиган ҳамма сабабларни мутлақо тугатиш ҳар бир назоратчининг асосий бурчи ва вазифаси қилиб қўйилди. Назоратчиларнинг малакали ва тажрибали ишчи ва қурувчилар орасидан танлангани меҳнат коллективлари ўртасида ташкилий-тарбиявий ишлари олиб боришни анча осонлаштирмоқда. Халқ назоратчилари айни пайтда коллектив ўртасида социалистик мусобақа илғори, ёшларнинг меҳрибон мураббийси, моҳир рационализатор ва фойдали ташаббусларнинг бошловчилари ҳамдир. Янгийўл шаҳридаги корхоналарда ёқилғи ва энергетика ресурсларидан самарали фойдаланиш бўйича 49 назоратчининг 63 та рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилгани сабабли маҳсулот тайёрлашга меҳнат сарфи анча камайди, 1100 минг киловатт соат электр энергияси, 6010 гикокалорий иссиқлик тежаб қолинди.

Халқ назоратчилари айниқса тежамкорлик ва иқтисод қилиш жамоат кўригида актив қатнашмоқдалар. Ўнинчи беш йилликнинг дастлабки кунлариданоқ бошланган бу кўрикда ҳозир 1464 ишлаб чиқариш илғорлари, 875 халқ назоратчиси, 501 мутахассис актив қатнашмоқда. Халқ контроли комитетлари ва группалари ўтказиладиган текшириш ва рейдларда назоратчилар ва активларнинг диққат-эътиборини ҳар соҳада тежамкорлик ва иқтисод қилиш режимига, иш вақтидан, пул ва материал ресурсларидан самарали фойдаланишга қаратмоқдалар. Узбекистон қийин эрийдиган ва ўта чиламли металлар комбинати халқ назоратчилари ўтказаётган текшириш-лар намунали бўлмоқда. Яқинда ўтказилган оммавий текшириш электр энергияси ва ёқилғидан самарали фойдаланишга бағишланди. Цехларда ёритиш ускуналари кеча-кундуз ишлаётгани сабабли ўтган йилда 800 минг киловатт соат электр энергияси нормадан ортиқча сарфланган ва бунинг учун корхона 58 минг сўм жарима тўлаган эди. Комбинат маъмурияти (директори П. Мақсудов, бош энергетик Б. Лопухин) бундан тегишли хулоса чиқармадилар. Электр энергиясини тежашнинг кўпгина резервлари бўла туриб, ундан самарали фойдаланилмади. Цехларнинг ойналари бўяб қўйилгани ва чанглардан тозаланмагани учун чироқлар кундуз куни ҳам ёқилиб қўйилибди. Эшиклар ҳар доим очиқ бўлгани сабабли нормадагидан анча кўп миқдорда иссиқлик энергияси сарфланмоқда. Шу йилнинг ўтган икки ой ичида корхонада энергия исрофгарчилигига йўл қўйилгани ҳали бу ерда тежамкорлик соҳасида кўп ишлар қилиниши лозимлигини кўрсатади.

Янгийўл шаҳридаги 8-ғишт заводлари бошқармасида ҳам ана шундай исроф-гарчилик ва пала-партишликка йўл қўйилмоқда. Бошқарма гарчи шу йилнинг биринчи кварталида 1,4 процент миқдорида шартли ёқилғи ва электр энергиясини тежаш мажбуриятини олган бўлса ҳам мажбурият у ёқда турсин, ҳатто кунлик норма ҳам бажарилмаяпти. Халқ назоратчилари Солдатск луб заводида электр энергияси ва ёқилғидан тежаб-тергаб фойдаланиш юзасидан белгиланган тадбирлар амалга ошмай қолаётганлиги, корхона маъмурияти бу ишга етарли эътибор бермаётганлигининг гувоҳи бўлдилар. Кетмонтепа, Тошовул, Янгиҳаёт, Қўрғонча луб заводларида каттакатта жарималар тўланаётганига қарамай исроф-гарчиликнинг олди олинмаётир. Текшириш натижаларини муҳокама қилиш пайтида халқ назоратчилари камчиликларни тугатиш юзасидан тегишли тадбирлар белгилаш билан бирга, нуқсонларни тўғатишда ҳам актив қатнашмоқдалар.

КПСС XXV съезди тежамкорлик ва иқтисод қилиш режимига алоҳида аҳамият бериб, бу ишни халқимиз фаровонлигини оширишнинг энг муҳим шартларидан бири деб таърифлаган эди. Областимиз халқ назоратчилари партиямиз олға сурган бу вазифани муваффақиятли бажариш учун ўзларининг бутун куч ва имкониятларидан самарали фойдаланмоқдалар, Ватанимиз бойлиги ва қудрати йўлида, халқ фаровонлиги ва равнаҳи йўлида тежаш ишини ўзларининг юксак партиявий бурчлари деб билмоқдалар.

А. ПУТТИЕВ,
Тошкент область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари.

ТЕЖАЛГАНИ—НАҚД БОЙЛИК

МИСҚОЛИДА ОЛТИН БОР

Тупроқ картограммаси тузилди-ю, «Хоразм» колхозида ҳамма иш изига тушиб кетди. Бош агрономнинг қўлида картограмма, қайси карталанинг қандай ва қанча ўғитга муҳтожлигини беш қўлдай билади. Ўғитни ҳам шу картага асосланиб тақсимлайди. Аввалгидай ерга ортиқча ва бефойда ўғит солишлар ҳам қолиб кетди. Ялпи ҳосил ва ҳосилдорлик ўсди, пахтанинг таннарҳи арзонлашди. Ўтган йили хўжалик бўйича 1436 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 40,4 центнердан пахта йиғиб-териб олинди. Н. Алимов А. Мадраҳимов, И. Отажонов бошлиқ бригадаларда ҳар килограмм соф азот ҳисобига 18,5-19,5 килограммдан пахта етиштирилди. Колхоз бўйича умумий кўрсаткич ҳам шунга яқинлашиб қолди. Бу ҳам бўлса фан ютуқлари ва илғор тажрибаларга суяниб иш олиб борилаётгани, ўғитнинг бир мисколини ҳам нобуд қилмай ўринли фойдаланилаётгани натижаси бўлди.

Аммо, Хонқа районидаги Алишер Навоий номли колхозда эса бунинг аксини кўриш мумкин. Хўжалида тупроқ картограммаси тузиб чиқилган бўлса ҳам унга амал қилинмайди. Бош агроном А. Машарипов ўғитларни бригадаларнинг тупроқ составига, ҳосилдорликка қараб эмас, гектарларнинг оз-кўплигини ҳисобга олиб тақсимлайди. Қанчадан-қанча ўғит ерга бефойда солиняпти. Шу сабабли хўжалик соф азот ҳисобига пахта етиштириш миқдори бўйича районда орқада қолмоқда, пахта таннарҳи ҳам бефойда харажатлар туфайли қимматлашиб боряпти. Бунинг устига хўжалик раҳбарлари ташиб келтирилган ўғитни яхши сақлаш ҳақида бош қотирмай қўйишди. Масалан, январь ойигача келтирилган 468 тонна ўғитнинг 119 тоннаси очиқ ҳавода қолдирилиб, қор-ёмғирда ивитиб қўйилган. 130 тонна ўғит эса нам ерда сақланяпти. Яқинда ҳисоб-китоб қилинганда 6,5 тонна ўғитнинг тўкилиб-сочилиб, нес-нобуд бўлиб кетгани аниқланди.

Бундай аҳвол райондаги Ал-Хоразмий номли совхозда, «Правда», Карл Маркс номли, «Победа» колхозларида ҳам рўй беряпти. «Правда» колхозида 130 тонна ўғит қор-ёмғирда эриб-оқиб яроқсиз бўлиб қолди. Шунга қарамай бош агроном И. Хантовнинг парвойи палак.

Ўғитнинг ҳар миқолида бир ҳовуч олтин бор, дейишади деҳқонлар. Ҳозир тоннатонна ўғит нес-нобуд бўлишига йўл қўяётган колхоз раҳбарлари эрта-индин хирмон-хирмон пахтанинг кам етиштирилиши тўғрисида сира ўйлашармикан?

А. ЖАББОРОВ,
Хонқа район халқ контроли комитетининг штатсиз инспектори.

БЕФОЙДА ХАРАЖАТЛАР

Ҳар куни Эгамназаров ишни ҳужжатларга кўл қўйишдан бошлайди. Ҳужжатларнинг кўпи бирон бир қурилиш материалини ҳисобдан чиқариш ҳақидаги илтимосномалар: «11,3 тонна цемент ивиб кетди. Ишлатиб бўлмайди. Ҳисобдан чиқарсангиз. Прораб Усмонов». «378 квадрат метр гипс плита бурдаланиб кетди. Ўрнига 19 минг дона ғишт ишлатмоқчиман, рухсат беришингизни сўрайман. Прораб Мансуров». «10,8 минг дона ғишт, 26 куб метр темир-бетон синиб, чиқит бўлди. Ҳисобдан чиқарсангиз. Прораб Одилсеитов». Хуллас ана шундай илтимосномалар.

Эгамназаров ҳам уларга «ҳисобдан чиқарилсин, рухсат берилсин» деб жимжимадор имзо қўяверади. Аммо бу ҳақда бирор киши билан маслаҳатлашиб кўришни ўзига эп билмайди. Тўласам чўнтагимдан эмас, давлатнинг ҳисобидан тўлайман дейди. Бироқ, ўша ивиган, қотиб қолган цемент, ғишт, плита, шиферларнинг ҳақиқатдан ҳам чиқит бўлгани ёки бўлмаганлигини сира текшириб ўтирмайди. Аксинча, прорабларни тергайдиган кишиларнинг ўзларини бошлиқнинг ўзи тергаб қўяди.

Пахтачи районидаги 106-кўчма механизациялашган колоннадаги бундай хўжасизлик давлатнинг минг-минг сўмлаб маблағини шамолга совиряпти. Колонна раҳбарларининг масъулиятсизлиги натижасида кўпгина қурилиш ишлари сифатсиз бажарилаётир. Ўтган йилнинг ўзида колонна «Коммунизм» колхозида қурилаётган объектларнинг камчилигини тузатиш учун 7,7 минг сўм қўшимча маблағ сарфлади 420 куб метр қоришма ва бетон, 21 минг дона ғишт, 630 килограмм бўёқ, 500 та шифер ортиқча сарфланди. Бундай бефойда сарф-харажатлар эса деярли ҳар кун, ҳар ҳафтада бўлиб турибди. Ажаблаланлиси шуки, районда ҳеч ким колонна раҳбарларидан «нима қиляпсизлар?» деб сўрамайди.

А. ПИРНАЗАРОВ,
Пахтачи район халқ контроли комитети штатсиз инспектори.

ИШЧИ ИМКОНИЯТИ

Тежамкорлик ва иқтисод қилиш жамоат кўриги

АНДИЖОН ОБЛАСТЬ ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТИ ВА «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ГАЗЕТА РЕДАКЦИЯСИ ҚЎШМА РЕЙДИ

— Иш вақти — жамиятимизнинг даҳлсиз мулкидир. У асосий мақсадга сарф этилиши, жамиятнинг моддий ва маънавий потенциалини янада кўпайтиришга хизмат қилиши лозим, — деди биз билан суҳбатда Андижондаги 1-пахта тозалаш заводининг директори Қобилжон Салоҳиддинов. — Бунда иқтисодий факторлар билан бирга социал-психологик факторлар ҳам муҳим роль ўйнайди. Бу факторлар ишчининг меҳнатга муносабатида, ишдан манфаатдорлигида намоён бўлади. Малакали кадрларга эҳтиёж ортаётган шароитда уларнинг моддий манфаатдорлигини тинмай ошириш лозим. Бунинг учун қулай меҳнат шароити барпо этиш, ишчиларнинг уй-жой ва маиший эҳтиёжларидан хабардор бўлиб туриш керак. Биз худди шундай қиляпмиз...

Директор ҳақ гапни айтди. Чиндан ҳам бу заводда меҳнат ва ишлаб чиқариш интизоми яхши йўлга қўйилган. Ишлаб чиқаришда ишчанлик, ижодий сафарбарлик вазияти вужудга келтирилган. Барча цех ва смеаларда иш минутларини тежаш учун мусобақа бошланган. Бу, яхши самара беряпти. Корхона коллективи масъулиятни чуқур ҳис этиб, ҳар бир топшириқни бажонидил бажармоқда. Маҳсулот ишлаб чиқаришни муттасил кўпайтириш ва меҳнат унумдорлигини ошириб бориш қаттиқ назорат остига олинган. Андижон ёғ комбинати, Володарский номли тикувчилик ва трикотаж фабрикаларида халқ назоратчилари сермеҳнат жараёнларни механизациялаш, иш шароитларини яхшилаш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, иш вақтидан унумли фойдаланишни изчил назорат қилиб бораётганлари яхши натижа бермоқда.

Ишлаб чиқариш кўламини кенгайтиришда ҳар бир коллективнинг бир ёқадан бош чиқариб ишлаши, оперативлиги ва интизомлилиги айниқса муҳим роль ўйнайди. Лекин айрим корхоналарда ишлаб чиқаришдаги ички тартиб қоидаларга, иш вақтининг ҳар бир минутидан унумли фойдаланишга нисбатан баъзан енгил-елпи, бепарво қараш ҳоллари ҳам учраб турибди.

Рейд аъзолари Андижон машинасозлик заводида ана шундай аҳволга дуч келишди. Корхонада меҳнат интизомини бузувчилар, прогулчилар, дангасаларга, хуллас қўл учида ишлайдиган кишиларга нисбатан муросасизлик муҳити вужудга келтирилмаган.

Ишчилар тушлик овқатга барвақт чиқишади. Завод ошхонаси олдида 70 дан ортиқ ишчи эшикнинг очилишини кутиб турарди.

— Цехда бекор ўтираверишдан зерикиб кетдик, — деди 17-йигув цехининг слесари Межид Юнусов. — Керакли деталлар етишмайди. Темирчилик цехидан дизель аравачаси, қувур ва бошқа майда деталлар оламиз. Лекин улар ҳамма вақт бу деталларни улгуриб етказиб беришаётгани йўқ. Бугун штанга, кранник, корпус кутяпмиз. Агар шу нарсалар бўлса, бекор ўтирмасдик. 25 та дизель қўлдан чиқарди.

Машинасозлик заводининг бошқа цехларида ҳам шунақа гапларни айтишди. Масалан, 3-механика цехининг бошлиғи А. Юрин: «Ишчиларни интизомсизликда айблашга ҳаққимиз йўқ. Чунки, улар ҳар қандай топшириқни бажаришга шайланиб туришибди. Лекин биз иш фронти очиб беришда қийналяпмиз. Кундалик талаб ва эҳтиёжларини қондира олмаяпмиз», — деди.

Бу гапларда жон бор. Чиндан ҳам заводда таъминот масаласи яхши эмас. Мана бир мисол. Жданов металл заводи бултур қуйма чўянни пландагидан 852 тонна кам берди, Орскохалил металл комбинати мўлжалдагидан 699 тонна оз металл жўнатди. Новокузнецк металл комбинати 126 тонна чўянни юбормади. Иркутск, Қараганда металл заводлари ҳам планлаштирилган металлни тўла бермаяпти. Ана шуларнинг ҳаммаси Андижон машинасозлик заводида ишлаб чиқариш интизомининг бузилишига, қимматли минутлар, соатлар кўпинча бекор ўтишига сабаб бўлмоқда. Ўтган йили заводда асбоб-ускуналарнинг бекор туриши 35.7 процентни ташкил этди. 1819 та марказдан қочирма насос, 70 та «ПУ-0,5» маркали универсал юклагич, 8273 та гидрораспределитель кам ишлаб чиқарилди. Дизель ва экскаваторларга эҳтиёт қисмлар тайёрлаш планлари бажарилмади.

Андижон «Ирмаш» заводига тушлик маҳалида бордик. Корхона ошхонасида таомларнинг тури кам, сифатсиз. Завод ташқарисида шаҳар умумий овқатланиш трестининг 42-ошхонаси жойлашган. У «Ирмаш» заводи, 6 ва 7-механизациялашган колонналарнинг коллективларига хизмат қилади. Ошхона кичик, унда атиги 10 та стол бор. Одамлар навбат кутиб туришарди. Таомлар лаззатсиз. Пишмаган, хомхатала сомса сотиляпти.

Металл конструкцияларга пайвандлаш цехида тушликдан кейин одам кам эди. Цех бошлиғи Л. Сапегин бригадирлар, мастерлар ва илғор ишчиларни тўплаб, йиғилиш ўтказаётган экан. Йиғилишда маҳсулот сифатини кўтариш ва илғор ишчиларга мукофотлар топшириш масаласи кўрилди.

Қўшни механика цехининг бошлиғи А. Духленко ҳам тушлик танаффусда йиғилиш ўтказди. Лекин йиғилиш чўзилиб кетди. Еш ишчилар мастерни кутиб бекор ўтиришди. Йиғилиш қатнашчилари овқатланишга улгурмадилар...

— Иш вақтида йиғилиш ўтказиш тўғримикан?

— Кеча директор цех бошлиқларига маҳсулот сифатини кескин кўтариш тўғрисида топшириқ берган эди, — деди завод партия ташкилотининг секретари А. Коробицин. — Шошилишибди. Ҳеч қачон иш вақтида йиғилиш ўтказган эмасмиз. Лекин факт фактлигича қолади. Бу ҳақда директорга айтаман.

Заводда ана шундай «икирчиқирлар» иш вақтининг бекор кетишига сабаб бўлмоқда. Масалан, 1976 йил давомида корхонада 226 соат иш вақти бекор ўтди. 672 киши меҳнат интизомини бузди. 253 ишчи заводдан бутунлай кетиб қолди. Буни нормал ҳол деб бўлмайди.

«Коммунар» заводининг директори А. А. Веприцкий мақсадимизга тушуниб, гапнинг сирасини айтиб қўяқолди:

— Камчиликларимиз кўп. Заводимиз коллективи ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида планни бажара олмай доғда қолди. Маҳсулот реализация қилиш плани 98 процентдан ортмади. Ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш, асбоб-ускуналар ва эҳтиёт қисмлар тайёрлаш планлари барбод этилди. Январь ойида ҳам план тўлмади. Ишнинг қандай ташкил этилганлиги ва меҳнат интизомининг аҳволи шу кўрсаткичларда яққол кўриниб турибди. Ростини айтсам интизом бўш. Эрталаб соат етти яримда, тушликда, иш тугаш олдида келсаларингиз аҳволни янада яхшироқ билиб оласизлар. Мен шошилиб турибман. Қолган гапни партия ташкилотининг секретари П. Шадрин айтиб беради.

Янги директорнинг қуйинганича бор экан. Бир гуруҳ ишчилар тушлик танаффус бошланмасданоқ ошхонага келиб олишди.

— Ишчиларимиз интизомли. Буларнинг кўпчилиги қунар-техника билим юртининг талабалари, — деб тушунтирди касаба союзлари завод комитетининг раиси Юлдузхон Султонова, — бизда практика ўтказишяпти. Уларни интизомга ўргатиб бўлмаётир.

Сифат ҳам, самарадорлик ҳам, қоларверса интизом ҳам иш жойидан бошланади. Ҳар бир ишчи зиммасидаги юксак мажбуриятларни бажариши унинг қанчалик виждонан ва сабот билан ишлашига, ўзи ва қўшнилари ишини қаттиқ назорат қилиб боришига боғлиқ. Ана шундагина бел йиллик план муваффақиятли адо этилади. Модомики шундай экан, корхоналарнинг раҳбарлари, партия ташкилотлари иш вақтидан тўла ва унумли фойдаланиш, меҳнат ва ишлаб чиқариш интизомини мустаҳкамлаш, таъминот масалаларини изга солишда талабчанлик ва принципиаллик қилишлари керак.

Н. АНДРЮШКОВ, Андижон область халқ контроли комитети раисининг ўринбосари. Н. БИКОВ, область халқ контроли комитетининг инспектори, А. ҚУРОНБОЕВ, «Совет Ўзбекистони» мухбири.

БЎЛДИ ҚИЗИҚ ҲАНГОМАЛАР

Чаласини ким қуради?

Бино қурилиши тугади. Қурилишни 1970 йиддан бери чўзиб келаётган «Узсельхозтехника» область бирлашмасига қарашли кўчма механизациялашган колонна раҳбарлари етти йиллик машаққатдан кейин ниҳоят енгил ҳафас олишди. Бирлашманинг Янгиер ПМКсидан ҳам хушхабар келди: улар ҳам машина-ускуналарни ўрнатиб бўлишибди, тезлик билан объектни қабул қилиб олишни сўрашибди.

Аммо сифат комиссияси объектни сиқчиқлаб кўздан кечирганида бино ҳали чала эканлиги маълум бўлиб қолди. Қурилиш ташкилотлари кўзбўямачиликка йўл қўйишибди. 200 бош сигирга мўлжалланган молхона полига 50 ўринга 20 миллиметрли тахта ишлатилган, томидан чанна оқиб ётибди, ҳалигача умумий нархи 31,3 минг сўмлик сут сотиш ва ювиш агрегатлари ўрнатилмаган ва ҳоказо. Ховос районидаги «Дружба» совхозининг директори А. Баратов: «Чаласини тугатмагунингизча объектни қабул қилмаймиз»,— деб масалани нўндаланг қўйди. Аммо қурилиш ташкилоти бошлиғи Бўтабоев: «Аввал қабул қилинг, сўнг камчилигини тузатармиз», — деб оёқ тираб туриб олди. Хуллас, бу тортишувнинг охири кўринмаяпти.

О. ШОДИЕВ.

Киссадан эмас, кассадан

Тошкентдай шаҳри азимда бутун бир состав юк вагондари йўқолиб қолди. Ерга кирдими, осмонга учдими, хуллас бир кунда йўқ бўлди. Темир йўлчилар асосий йўлга уланган ҳамма тупиклару, подъездларни нўздан кечириб чиқишди. Топишолмади. Қўшни станциялардан сўраб-суриштиришди. Дараги чиқмади. Товар станцияси ходимлари кун бўйи ҳориб-толиб кечга яқин идорага йиғилишганида биров эшикдан: «суюнчи беринг, топилди», — деб югуриб келди.

— Қаерда экан?

— Экскаватор заводида.

— Жарима ёзинг, — станция бошлиғи жаҳл билан буюрди нўл остидагиларга.

— Қанийди уларга жарима таъсир қилса, — дейишди ходимлар. — Биз жарима демасимизданоқ завод директорининг ўринбосари Зилберман: «Қанча тўлайлик», — деб туради.

Тошкент шаҳрида ана шундай жаримачи корхоналар нўпайиб бораётгани ташвиш туғдирмоқда. Экскаватор заводи ёнига лак-бўёқ, трактор, консерва, холодильник, 2-ёғочсозлик заводлари ва «Союзхлопномаш» бирлашмаси ҳам нўшилишди. Яқинда ҳисоблаб чиқилганида бу корхоналар ўтган бир йил ичида темирйўлчиларга 150 минг сўм жарима тўлашгани маълум бўлди.

М. КУТАМАНОВ.

Гапни гапир уққанга...

Бошқарма бошлиғи С. Григорян йиғилишдан парвойи палак бўлиб чиқди. Ҳозиргина трестда бири олиб, бири қўйиб, уни роса таниқид қилишди. Григорянниг гўё ҳеч нарса бўлмагандай беапарво чиқанини нўриб, қурувчилар ҳайрон қолишди: «Сира сиртига сув юқтирмайди-я, ахир бутун бошлиқ бир бошқарманинг планини барбод бериб, ишларни ўлда-жўлда қолдирса ҳам беапаролигини ташламайди», 150-қурилиш трести раҳбарлари ана шундай таниқидлардан кейин С. Григорян 5-СМУ ишида бурилиш ясаса нераи, деб ўйлашган эди. Ишончлари пучга чиқди. Бошқарма қолоқлигича қолаверди. Йиғилишларда ҳам эски гап. эски таниқид. Эътибор беринг-а. Самарқанд шаҳридаги 5-СМУ ўтган йилнинг пудрат ишлари планини аранг 87,3 процент қилиб бажарибди. Уй-жойларни фойдаланишга топшириш эса 38,2 процентда туриб қолибди. Бунинг устига қурилиш сифати жуда паст. Брак ва чала ишларни тузатишга 4662 сўм ортиқча маблағ сарфланди. Бошқарма объектларни вақтида топширмагани учун яна 2 минг сўм жарима ҳам тўлади. Бир йил ичида 19 минг сўмлик маблағ нўкка совуриб юборилди.

А. УСТИНОВ.



Расмларни А. Холиқов чизган.

ХАЛҚ КОНТРОЛИ КОМИТЕТЛАРИДА

ПАЙСАЛГА СОЛИНЯПТИ

Баҳор эшик қоқяпти. Далаларга уруғ экиладиган кунлар яқинлашиб қолди. Юқори Чирчиқ район халқ контроли комитети текшириш ўтказиб, бир қатор хўжаликларда баҳорги тайёргарлик ишлари суст бораётганлигини аниклади. Масалан, «Гулистон» колхозида тўрт тонна беда уруғидан фақат икки тоннаси тозаланган, 6 тонна маккажўхори, 120 тонна картошка, 648 килограмм сабзавот уруғлари кам тайёрланган. Янги ташкил этилган Охунбобоев номли ва Усмон Юсупов номли совхозларда бу йил асосан картошка етиштирилади. Бироқ, ҳар иккала хўжаликда ҳам уруғлик тайёрлашга жуда кеч киришилди. Ҳозир бу хўжаликларда 1620 тонна картошка уруғи етишмаяпти. Агар уруғлик жамғариш суръати шундай суст бораверадиган бўлса, бу йил картошка экиш плани бажарилмай қолиши мумкин.

Район халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиб, колхоз ва совхоз раҳбарларига баҳорга тайёргарлик ишларини тезлаштириш вазифасини топширди.

ХИЗМАТМИ, МИННАТ?

«Ферганаводстрой» трести замонавий асбоб-ускуналар билан етарли жиҳозланган касалхона ва поликлиникага эга. Трест қурувчилари доимий медицина назорати остига олинган. Ўнлаб тажрибали врачлар уларга хизмат кўрсатмоқда. Улар шунингдек, кишилар ўртасида ташвиқот ва тарғибот ишларини олиб бормоқдалар. Бироқ, Марғилон шаҳар халқ контроли комитети текшириш ўтказганида кишиларга медицина хизмати кўрсатишда баъзи жиддий камчиликларга йўл қўйилаётгани ҳам маълум бўлди. Касалхонада баъзан палапартиш иш юритилмоқда. Мутахассислар беморларга ўз вақтида консультация бермаётирлар. Бемор Р. Хазизова ва Т. Ҳамидова халқ назоратчиларига врачлардан вақтида маслаҳат ололмаганликлари ҳақида шикоят қилишди. Поликлиникада ҳам беморларга касаллик варақаси тўлдиришда баъзи камчиликларга йўл қўйилмоқда. Айрим беморларнинг касаллик номлари варақада ўзгартириб кўрсатилаётир. Лаборантлар беморлар ҳузурига бориш ўрнига уларни қатнашга мажбур қилмоқдалар. Халқ контроли комитети текшириш якунларини муҳокама қилиб, камчиликларни тугатиш тадбирларини белгилади.

ЎНИНЧИ БЕШ ЙИЛЛИК ИЛҒОРЛАРИ

ПАРВОЗ

Куз ойлари эди. Ҳаво илиқ, аҳён-аҳёнда булутлар ғаласи соя ташлаб ўтади. Ип ғазлама комбинати пештоқлари куз қуёшида ярқирайди. Корхона партия ташкилотининг секретари Раиса Неъматова олдига уятчан бир қиз тортиниб кириб келди.

— Хўш, хизмат? — сўради Раиса опа ёзиш-чизишдан бош кўтармай.

— Тўқувчи бўлмоқчиман. Мени ишга қабул қилишларингизни сўрайман. Бирдан-бир орзуим шу.

Раиса қўлига қоғоз-қалам олгач, одатдагидек саволни такрорлади.

— Исмингиз нима?

— Муборак.

— Комсомол йўлланмаси билан келгандирсиз?

— Йўқ, ўз хоҳишим билан.

— Ўнинчи синфни тугатганмисиз?

— Тошкент политехника институтининг Бухоро филиали механика-технология факультетида ўқияпман.

— Институтда?! — Раиса Неъматова ишдан бош кўтариб, қаршисида тортинибгина турган қизга қизиқиб қаради. Унинг бу қарашида кўринишидан институтда ўқиётганларга ўхшамайди, деган маънони англаш қийин эмас эди.

— Жуда яхши, синглим. Бизга сиздек истиқболли мутахассислар керак...

У Муборакни кадрлар бўлимига олиб кираркан,

— Ҳозирча сизни валиклар тайёрлаш участкасига ишга қўямиз.

— Раҳмат, сизга...

— Дарвоқе, илгари бирор ерда ишлаганмисиз?

Муборак Бухоро трикотаж фабрикасида уч йил меҳнат қилганини, ҳар сменада плондаги 40 та ўрнига 70 тага етказиб болалар кийим-кечаклари тикиб чиқарганини, 1973 йилда КПСС сафига қабул қилинганини гапириб берди.

Шундай қилиб Муборак комбинатнинг йигирув-ўроб, тараш-пиликлаш цехларида ишлатиладиган валиклар тайёрлаш участкасида ишлай бошлади. Ғарчи у бирмунча тажрибали тикувчи бўлса ҳам, бу ерда ҳаммасини қайтадан бошлашга тўғри келди. Дастлаб кекса ва тажрибали валик тайёрловчи Маша Елкиневага шогирд тушди. Бу ерда бажариладиган ишлар трикотаж фабрикасида кўрганларидан мутлақо фарқ қиларди.

Маша опа кўплаб ёш шогирдларга устозлик қилган. Уларга тўқимачиликнинг ўзига хос сирларини эринмай, пухта ўргатадиган меҳрибон, жонкуяр мураббий эди. Кичик жуссасида куч-ғайрат тошиб турган Муборакка мураббийлик қилди. Биринчи куни участкадаги иш жараёнлари билан таништирди:

— Ҳар касбнинг ўз машаққати бор, қизим, — тушунтирди Маша ёш шогирдига. — Тўқимачи бўлиш, ғазлама тўқиб чиқариш бир қарашда осондек туюлади. Аслида заргарликдек жуда мураккаб, меҳнат талаб касб. Тўқувчи бўлиш учун фақат ғазлама тўқишни билиш кифоя қилмайди. Пахта толасидан ғазламабоп ип йигириш, ундан калава қилиш учун валиклар тайёрлашдан тортиб, то ғазламага гул босиш, охор беришгача бўлган барча босқичларни пухта билишни тақозо этади.

Муборак меҳнатда ибрат кўрсатишга интилди.

— Бизнинг участкамизда ярим тайёр металл хом ашёдан валиклар тайёрланади, — дейди Муборак биз билан суҳбатда. — Бунгача у махсус станоклларда қирқилади. Тозаланади, мойланади. Кейин йўнилади, силиқланади. Шаклга солинади. Ҳар сменада график бўйича валик ишлаб чиқаришдан ташқари бошқа цехларда ишлатилган валиклар капитал, ўрта ва жорий ремонт қилинади. Ускуналар тилини яхши тушунган, тадбиркор ва чаққон ишчиларга доимо муваффақият ёр бўлавераді.

Муборак устози чизган йўлдан адашмай қадам ташлади. У тез кунда ўз меҳнати билан коллектив диққат-эътиборини ўзига қаратди. Муборак Раҳматова жамоат ишларида ҳам фаоллик кўрсатди. Партия топшириқларини муваффақиятли бажаришга, кечқурун институтга бориб ўқишга, рўзғорда онасига яқиндан кўмаклашишга ҳам улгурарди.

Муборак шаҳар партия комитетининг аъзоси қилиб сайланди. Корхона коллективининг бу юксак ишончини оқлаш учун янада зўр ғайрат кўрсатиб ишлаш, маҳсулот сифатини яхшилаш, таъбаскорлик кўрсатишга, гоявий-сиёсий билимни тинмай оширишга эришди.

Йигирув фабрикаси ишчиларининг умумий йиғилишида Муборак Раҳматова сўз олиб, ўхшаш касб-корли ишчилар ўртасида ўзаро шартнома асосида мусобақалашиб ишлашни татбиқ этишга даъват этди. Ўзи ҳамкасб дугоналари Раъно Акбарова, Гулчеҳра Илёсова, Муҳиба Раззоқоваларни мусобақага чақирди.

Муборакнинг бу ташаббуси корхонада кенг қанот ёйди. Юзлаб коммунистлар бу ҳаракатга қўшилди. Мусобақада Муборак Раҳматова ҳамиша пешқадамлик қилмоқда. У беш йилликда икки беш йиллик планни бажариш ташаббуси билан чиққан ўнлар ҳаракатига корхонада биринчи бўлиб қўшилди. У ҳозир 1978 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Комбинатда бундай пешқадамлар сони тобора кўпайиб бормоқда.

Комбинатда бўлганимизда, унинг бригадири Розия Ходиевадан Муборак ҳақида гапириб беришни сўрадик.

— Бир сменада 400 ўрнига 500 тадан ошириб валик тайёрлаяпти, — дейди у. — Бу, бизда юқори кўрсаткич ҳисобланади. Мабодо, валиклани ремонт қилишга тўғри келганда эса, Муборак 2-2,5 машина комплекти валигини қўлдан чиқаришга эришади. Бу, нормадан анча зиёд. Ҳар комплектда 368 та валик бор. Умридан барака топсин. Муборакнинг парвозидан фахрланса арзийди.

Муборак ҳаётида съездлар йили — унутилмас воқеалар, улкан муваффақиятлар йили бўлди. КПСС XXV съезди ишида қатнашди. Ажойиб ташкилотчи Муборак Раҳматова ташаббуси билан комбинатда маҳорат мактаби очилди. Бу ўзига хос ишчи маҳорати мактабида ўттиздан ортиқ ёшлар таълим оляпти. Бу тадбир маҳсулот сифати ва салмоғини кўпайтиришга баракали таъсир кўрсатмоқда.

Т. НАЗИРОВ,
Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» махсус мухбирлари.

Сурхондарё области. Жарқўрғон районидаги «Социализм» колхози деҳқонлари арпа билан беда экишга киришдилар. Арпа билан бедани аралаш экиш йўли билан хўжалик миришкорлари сугориладиган ернинг ҳар гектаридан 20—30 центнердан дон, 150 центнердан нўх озуқа йиғиб-териб оладилар. Бу йил хўжалик 120 гектар майдонни ана шундай аралаш экин экишга ажратди.

Суратларда: (юқорида) ғаллачилик бригадаси бошлиғи Турди Тоғаев, участка агрономи Жўра Маманов ҳамда механизатор Бобокул Эргашев ўртоқлар. Улар экиладиган уруғ сифатини кўздан кечиришяпти. Пастда — арпа-беда экиш пайти.

И. Хўжаев фотоси (ЎзТАГ).

ДЎСТЛИК ДАЛАСИ

НОҚОРАТУПРОҚ ЗОНАНИ КОМПЛЕКС РИВОЖЛАНТИРИШ ПРОГРАММАСИ

Шуя темир-бетон буюмлар заводини қайта қуришда қизғин кунлар бошланди. Ўзбекистондан келган вакиллардан тузилган «Ивановоирсовхозстрой» трестининг бригадалари ускуналарни монтаж қилишга киришдилар. Барпо этилаётган комплекс ирригаторларнинг таянч базаси бўлиб қолади, унинг қуввати беш баравар ортади. Бу трест барпо этаётган объектларнинг ҳаммасини йиғма темир-бетон билан таъминлаш имкониятини беради.

Мирзачўл ва Қарши даштлари забткорларининг дастлабки отрядлари бу ерга келгандан буён икки йилдан сал кўпроқ вақт ўтди, лекин область колхоз ва совхозларида ҳозирок бир неча минг гектар яшнаган ерлар экинзорга айлантирилди. «Ивановоирсовхозстрой» трестининг коллективи «Главнечерноземводстрой» қурилиш индустриясининг қудратли базасини, кўчма механизациялаштирилган колонналарнинг таянч базаларини, иккита йирик совхозни қурмоқда. Ирригаторлар хўжаликларни «Ўзбекистон» ва «Дўстлик» деб атадилар. Бу совхозлар беш йилликнинг охирига келиб йилига ҳозир областда қанча етиштирилаётган бўлса шунча сабзавотнинг қарийб ярмини, ўн минг тоннадан ортиқроқ сут етиштириб беради.

— Дўстлик қурилишларининг келажаги бугунданоқ яққол кўриниб турибди. Приволжск тўқимачилар шаҳарчасидан сал нарирокда барпо этилаётган «Ўзбекистон» совхозининг марказида қурувчиларнинг вагончалари ёнида дастлабки шинам ётоқхоналар қад кўтариб қолди, қурилиш майдончасини область маркази билан туташтирадиган йўл қурилди. Икки қаватли йигирма бешта коттежнинг пойдевори қўйилди, уларнинг ярмига шу йил ёздаёқ одамлар кўчиб кираді. Хўжаликнинг ишлаб чиқариш ва маданий-маиший марказлари тез суръатлар билан қурилмоқда.

Қурувчилар бу объектларни «совхознинг юраги» деб атайдилар. 35-механизациялашган кўчма колонна участкаси бошлиғи В. Цхай ана шу объектлар тўғрисида алоҳида ғамхўрлик қилмоқда. Бу одам ёнидаги кишиларнинг ғайратига-ғайрат, кучига-куч қўшишдек жуда ажойиб маҳоратга эга. У Қаршининг жазирама даштида ўнлаб қурилишларни барпо этди. Бу ерда ҳамма агрошаҳарчани тезроқ қурайлик, унинг ерларини Волга дарёсининг сувига қондирайлик, деган ягона интилиш билан яшамоқда. Совхоз меҳнаткашларига ирригаторлар уч минг гектар ер тайёрлаб берадилар. Колонна коллективи бу ерда ҳар биттасида 1200 бош мол боқиладиган иккита чорвачилик комплекси ҳам барпо этмоқда.

«Ўзбекистон» совхозининг қурувчилари дўстлик қурилишининг бошқа кишилари сингари ўз олдиларига қўйилган вазифаларнинг ғоят муҳимлигини яхши тушуниб, совхоз ишга туширилиадиган кунни яқинлаштириш учун қўлларидан келган ҳамма ишни қилмоқдалар. Масалан, «Плесский» совхозида суғориш системасини барпо этаётган 7-механизациялашган кўчма колонна коллективи системани белгиланган муддатидан ярим йил илгари ишга туширишга ахд қилди. Шу йил куздаёқ қурувчиларнинг ўрнига бу ерга ҳосилдорлик отрядлари етиб келишади. Волга бўйидаги ерлар об-ҳаёт билан бирга бўлғуси экинзорларга солинадиган ўғит запасидан ҳам бахра олади.

— Коллективнинг ташаббуси, ни, — деб ҳикоя қилади «Ивановоирсовхозстрой» бошлиғининг ўринбосари Ш. Муҳаммадиев, — қурувчилар қизғин қўллаб-қувватлашди. Шуя темир-бетон буюмлари заводини қайта қуриш иштирокчилари, «Дўстлик» совхози қурилишида ишлаётган Г. Ибрагимов бошлиқ монтажчилар бригадаси ва бошқа коллективлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақага қўшилиб, ўз мажбуриятларини қайта кўриб чиқдилар. Улар ўз ваъдаларига вафо қиладилар деб ишонч билан айтиш мумкин. Гариф Ибрагимов Мирзачўлдаги «Дўстлик» совхозининг дастлабки қурувчиларидан бири. Мен уни ўн беш йилдан буён биламан. У ана шу йиллар мобайнида шундай меҳнат қилдики, унинг бу меҳнати ишга чинакам коммунистик муносабатда бўлиш намунасидир. Мирзачўлни ўзлаштиришга ўз умрининг 18 йилини бағишлаган Геннадий Бондарев, бутун Қарши даштида номи машҳур бўлган Дмитрий Чижков ва бошқа қурувчилар тўғрисида ҳам ана шундай яхши гапларни айтиш мумкин.

Ҳали анча иш қилиш керак. «Ўзбекистон», «Дўстлик» совхозлари, Иваново, Родники, Фурманов ва Шуя районларида қурилиш базалари, уй-жойлар, мактабгача тарбия муассасалари ва мактаблар, маиший хизмат кўрсатиш комбинатлари ва клублар қурилиши керак. Трест коллективи барпо этадиган объектларнинг тўла бўлмаган рўйхати шулардан иборат. Область хўжаликларида бундан ташқари шу йилнинг ўзидаёқ минг-минг гектарлаб заҳи қочирилган ва суғориладиган ерларни ишга тушириш, бошқа катта ҳажмдаги ишларни бажариш керак. Шунинг учун ҳам Ўзбекистондан Ивановога янги техника, қурилиш материаллари ортилган поездлар бирдек келиб турибди. Яқинда қурувчилар ҳам мадад олишади: ўзбеклар диёрида яна битта механизациялаштирилган кўчма колонна барпо этилмоқда.

Дўстликнинг улкан даласи бўлиб қолган Нокоратупроқ зона кардош республика намояндаларини кутмоқда.

К. ШЧЕГЛОВ,
ТАСС мухбири.
Иваново.

Оламда нима гап

ТАСС ва АПН мухбирлари хабар қилади

СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ПОЛЬША

Польшада дарё транспорти орқали юк ташиш йилдан-йилга кўпаймоқда. Ҳукумат бундан бир йил илгари мамлакатда дарё кемачилигини ривожлантириш планини тузган эди. Одра дарёси сув йўлидан тўлароқ фойдаланиш проблемаси шу планда муҳим ўринни тутади. Шу йилдан бошлаб дарё тубини чуқурлаштириш, портлар, шлюзлар, сув омборлари қуриш ва янгилаш ишлари олиб борилади.

Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган бошқа мамлакатлар ҳам шу сув йўлида қатновнинг тезлаштирилишидан манфаатдордирлар. Бу эса аввало Ғарбий ва Марказий Европадаги дарё йўллари тармоқларини Совет Иттифоқининг дарё йўллари системаси билан туташтирувчи Одра —Дунай каналининг тузилаётган лойиҳаси билан боғлиқдир.

ЧЕХОСЛОВАКИЯ

Бу йил Чехословакияда барча ижодий союзлар ва ташкилотларининг съездлари бўлиб ўтади. Дастлаб Чехия ёзувчилар союзининг съезди очилади. 200 делегат қатнашадиган анжуман муҳим маданий-сиёсий воқеа бўлади.

Чехия ёзувчилар союзи съездига тайёргарлик даврида ҳозирги замон прозаси, поэзияси, марксча-ленинча бадиий танқид масалалари юзасидан бир қанча семинарлар ўтказилди. Аввалги съезддан бери ўтган 5 йил ичида адабиётчилар завод ишчилари билан, студентлар ва ўқувчилар, қишлоқ меҳнаткашлари билан 2 минг мартадан зиёд учрашдилар.

КУБА

Электр линиялари қураётган механизациялашган колонна Куба электр саноати министрлигининг энг яхши меҳнат отрядларидан бири ҳисобланади. Бу отряд ўтган йили социалистик мусобақада ғалаба қозониб, ҳозирги вақтда ҳам министрликнинг бош профессионал коллективлари орасида биринчиликни эгалламоқда.

1976-1980 йилларда халқ хўжалигини ривожлантириш директиваларида қарийб 12 минг километр узунликда электр линиялари қуриш кўзда тутилган. Бу тадбир республиканинг бутун территориясида туташ энергетика системасини тўла вужудга келтиришга имкон беради.

ГДР

ГДРнинг округ маркази — Котбусда яшовчи юз минг аҳолидан қарийб ярми республикада ишчи-деҳқонлар ҳокимияти барпо этилгандан кейин қурилган янги квартираларда истиқомат қилмоқда. Бир вақтлар энг қолоқ шаҳарлардан бири ҳисобланган Котбусда кейинги йилларда кенг кўламда янги уй-жой биноларі қурилмоқда. Кейинги беш йил мобайнидагина бу ерда 10 минг квартира, 8 мактаб, 6 та катта спорт зали, 23 та болалар муассасалари, 5 та савдо маркази қурилди.

Эндиликда Котбус республиканинг катта саноат марказидир. Янги саноат иншоотларининг қурилаётганлиги кўп жиҳатдан шаҳарнинг қиёфасини белгилаб бермоқда. Шу саноат иншоотлари ёнида уй-жой биноларі қад кўтармоқда. Ўн йилликнинг охирига бориб шаҳар аҳолисининг сони 115 минг кишига етади.

(ТАСС).

ЧЕТ ЭЛЛАРДАГИ МУҲИМ ВОҚЕАЛАР

◆ БЕРЛИН

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, ГДР Давлат Кенгашининг Раиси Эрих Хонеккер бу ерга келган Зимбабве Африка миллий кенгашининг раиси Жошуа Нкомони қабул қилди. Самимий ва дўстона руҳда ўтган учрашув давомида Э. Хонеккер Зимбабве халқининг Смит ирқчи режимига қарши, миллий мустақиллик, демократия ва тараққиёт йўлида олиб бораётган курашига юксак баҳо берди.

◆ НИКОЗИЯ

Кипр Меҳнаткаш халқ прогрессив партиясининг бош секретари Э. Папаиованну «Харавги» газетаси муҳбири билан суҳбатда БМТ доирасида Кипр хусусида мўътабар халқаро конференция чақириш тўғрисидаги совет таклифини амалга ошириш ғоят зарур эканлигини таъкидлади.

◆ АНҚАРА

Туркия бош министри С. Демирель мамлакатни иқтисодий ривожлантириш проблемалари тўғрисида миллий телевиденне орқали нутқ сўзлади. У Туркия экономикаси ҳозирги вақтда юксалаётганлигини айтиб, мамлакат гражданларини уни мустаҳкамлаш ишига катта ҳисса қўшишга чақирди. С. Демирель 1975—1977 йилларни республикада оғир саноат негизларини барпо этиш даври деб атади. Оғир саноат бундан кейин миллий хўжаликнинг етакчи тармоғи бўлиб қолиши зарур. Бош министр «энг қашшоқ оммани эзиб турган муҳтожлик нарса» — пулнинг қадрсизланиши проблемасига катта эътибор берди.

◆ ДЮССЕЛЬДОРФ

ГФРдаги йирик капиталнинг етакчи партияси Христиан демократик иттифоқ (ХДС) съезди бўлиб ўтмоқда. Съездда будиестарда ХДС/ХСС фракцияси раиси Ловозимини эгаллаб келаётган Гельмут Колль ХДС га яна раис қилиб сайланди.

◆ ИСЛОМОБОД

Покистоннинг ҳукмрон халқ партияси миллий ассамблея—мамлакат парламентининг қуйи палатасига бўлиб ўтган сайловда катта ғалаба қозонди. У 200 ўриндан 155 ўринга эга бўлди. Конституцияга мувофиқ Халқ партияси Покистоннинг янги ҳукуматини тузиш ҳуқуқини олди. Сайловчилар Покистон Халқ партиясининг программасини қўллаб-қувватлаётганликларини билдирдилар. Шу партиянинг бошлиғи З. А. Бхутто мамлакатнинг бош министридир.

ҲАЁТ НОРМАЛ ИЗГА ТУШМОҚДА

БУХАРЕСТ, 9 март. (ТАСС). Бухарестда ва Руминиянинг шу йил 4 мартда зилзилаларга дучор бўлган бошқа районларида кишиларни қутқариш ва табиий офат оқибатларини тугатиш мақсадида зўр ғайрат билан иш олиб борилмоқда.

7 март кечқурунгача олинган маълумотларга қараганда, ҳалок бўлганлар сони 1034 кишига етди. Шундан Бухарестда 810 киши ва бошқа районларда 224 киши ҳалок бўлган, 6185 киши жароҳатланган. Пойтахтнинг бир қанча районлари, айниқса унинг марказий қисми ҳамон ёпиқ зона бўлиб қолмоқда.

Кишиларни қутқариш ва корхоналарни тиклаш ишлари кечаю-кундуз давом этмоқда. Бакэу, Брэила, Ясси, Илфов, Ковасна ва Васлуй уезддаридаги завод ва фабрикалар кеча яна ишлай бошлади. Энергетика саноатининг ходимлари трансформатор подстанцияларининг кўп қисмини ремонт қилиб бўлдилар. Натижада пойтахтни ва Руминиянинг бошқа шаҳарларини энергия билан таъминлаш ишлари яхшиланди.

Айрим кичик участкаларни ҳисобга олмаганда деярли ҳамма линияларда темирйўл қатнови бошланди.

Руминиянинг барча уезддаларида ва Бухарестда зилзила етказган зарарни қоплаш мақсадида 1167 та саноат корхоналари якшанба куни ҳам ишладилар. Пойтахтда ва зилзиладан зарар кўрган бошқа шаҳарларда аҳолини озиқ-овқат ва бошқа энг зарур товарлар билан нормал таъминлаб туриш учун қатъий чоралар кўрилмоқда.

СОФИЯ, 9 март. (ТАСС). Ҳукумат комиссиясининг маълумотларига қарагада 4 мартда Болгарияда бўлиб ўтган зилзила натижасида жами 83 киши, шу жумладан Свиштовда 80 киши ҳалок бўлган. Бу ерда ер ости силкинишининг кучи 12 балли шкала бўйича 8 баллга етди.

БКП Марказий Комитетининг Биринчи секретари, БХР Давлат Кенгашининг Раиси Т. Живков Свиштов шаҳрига келди. У шу кунларда маҳаллий ва марказий органларнинг олиб бораётган ишларига юксак баҳо берди, шаҳар аҳолисининг фидокорона меҳнат қилаётганлигини уқтириб ўтди.

БЕЛГРАД, 9 март. (ТАСС). Яқинда бўлиб ўтган зилзиладан айниқса кўп зарар кўрган Югославиянинг Прахово шаҳрида табиий офат оқибатларини тугатиш учун шошилинч чоралар кўрилмоқда.

Газеталарда берилган хабарларга қараганда Кладово, Заечар, Неготин шаҳарларида аҳвол нормал изга кириб бормоқда. Дунайдаги «Жердап» гидроэлектростанцияси ва Югославия— Руминия чегараси яқинидаги Бора мис-руда ҳавзасида иш узлуксиз давом этмоқда.

ХАЛҚАРО МАВЗУДА СУҲБАТЛАР

ЯКУНЛОВЧИ АКТДА НИМАЛАР ҲАҚИДА ГАПИРИЛАДИ

Инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги масала ўртага қўйилиши муносабати билан ҳозирги вақтда Ғарбдаги бир қанча мамлакатларда Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик давлатларга қарши олиб борилаётган туҳмат кампаниясида кўпинча Буковский ёки Амальрик каби ҳар қандай муртадларга ҳомийлик қилишни Умумевропа кенгашининг Якунловчи актини ва хусусан инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни ҳурмат қилиш принципини рўкач қилиб оқлаш ёки ҳатто асослаб бериш йўлида уриниб кўрмоқдалар. Ана шу шахслардан олинган «ахборот» Ғарб мамлакатларига Умумевропа кенгашида қатнашган давлатлар вакилларининг Белградда ўтказиладиган учрашувига муносиб тайёргарлик кўришга ёрдам беради, деган гаплар ҳам айтилмоқда.

Кенгаш актини шу тарика рўкач қилиш ва шу таҳлитдаги гаплар тентак кишиларга ёки ҳеч нарсадан хабардор бўлмаган кишиларга мўлжалланган бўлиши мумкин. Ғарб мамлакатларидаги кишилар жаҳоннинг бошқа ҳамма районларидагидек инсон зотига мансуб бўлганликлари сабаблі бирон киши уларга ақл-идроки паст одамлар деб қарамаса керак. Бунда очиқдан-очиқ бошқа бир нарсага — кишиларнинг Кенгаш актидан хабардор эмаслигига таяниб иш кўрмоқдалар. Дарҳақиқат, Ғарб мамлакатларининг кўпчилигида яшовчи оддий кишилар Якунловчи актнинг конкрет мазмунини, шу жумладан инсон ҳуқуқлари принципи ҳақидаги таърифни билмайдилар ва била олмайдилар. Бунинг боиси шуки, Якунловчи акт социалистик давлатларда кўп нусхада нашр этилди, Ғарб мамлакатларида эса бундай бўлмади. Шу сабабли кенг омма ундан бехабар қолмоқда. Якунловчи акт текстига мурожаат қилар эканмиз, қуйидагилар аён бўлиб қолади.

Биринчидан, Якунловчи актда таъкидлаб ўтилишича, Умумевропа кенгашида қатнашувчи давлатлар «ирқий, жинсий, тил ва диний тафовутлардан қатъий назар ҳамма учун инсон ҳуқуқларини ва асосий эркинликларни, шу жумладан фикр эркинлиги, виждон эркинлиги, дин ва эътиқод эркинликларини ҳурмат қилаверадилар, улар гражданлик, сиёсий, иқтисодий, социал, маданий ҳамда бошқа ҳуқуқ ва эркинликларнинг самарали амалга оширилишини рағбатлантираверадилар ва ривожлантираверадилар, буларнинг ҳаммаси инсон шахсига хос фазилатлардан келиб чиқади ҳамда инсон шахсининг эркин ва тўлиқ камол топиши учун муҳимдир...».

Бу гапларнинг ҳаммаси жиддий, муҳим ва ижобий аҳамиятга эгадир. Аммо уларда давлатларнинг инсон ҳуқуқлари масаласида конкрет равишда қандай ҳаракат қилишлари ҳақида йўл-йўриқ кўрсатиб берилган эмас. Лекин инсон ҳуқуқлари принципининг якунловчи қоидасида худди шу ҳақда гапирилган. Бу қоидада давлатлар шу соҳадаги халқаро битимларда белгилаб қўйилган ўз мажбуриятларини, шу жумладан инсон ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро пактлар билан ўзлари боғланган бўлсалар, шу халқаро пактларни ҳам бажаравердилар, дейилган. Маълумки, Совет Иттифоқи ва бошқа социалистик мамлакатлар гражданлик ҳуқуқларни ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг ҳамда иқтисодий, социал ва маданий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро пактнинг иштирокчиларидир. Шартнома характеридаги ана шу халқаро ҳужжатлар ҳар бир киши эга бўлган ҳуқуқларни ва унинг жамият билан низога бормай ана шу ҳуқуқларни амалга ошира олиш чегараларини аниқ ва конкрет равишда белгилаб беради.

Аммо Совет Иттифоқидан чиқариб юборилган ва жиноятчи деб ҳисобланган, яъни жамият хавфсизлигини таъминловчи совет қонунларини бузган муртадлар айни совет жамияти билан низо йўлига ўтдилар, жамиятга хилоф ҳуруружлар қилдилар. Якунловчи актни рўкач қилиш ёрдамида ана шу жиноятчиларга қилинаётган ҳомийликни қандай қилиб оқлаш мумкин, ахир? Бундай ҳомийлик фактининг ўзи ҳам Якунловчи актнинг руҳи ва ҳарфига, шу жумладан инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларни ҳурмат қилиш юзасидан бу Актда баён этилган принципга тамомила зиддир.

Иккинчидан, Якунловчи актда бундай дейилган: бу актда баён этилган барча принципларни «бошқа принципларни ҳисобга олган ҳолда улардан ҳар бири изоҳлаш чоғида бир хил даражада ва сўзсиз қўлланилади». Бу қоида ҳам жуда муҳимдир. У инсон ҳуқуқлари принципи ҳам бошқа ҳамма принципларни ҳисобга олиб изоҳлаб берилиши, шу жумладан суверенитетга хос ҳуқуқларни ҳурмат қилиш ва ички ишларга аралашмаслик кераклигидан далолат беради. Суверен тенглик, суверенитетга хос ҳуқуқларни ҳурмат қилиш принципи эса шуни назарда тутадики, Умумевропа кенгашида қатнашувчи давлатлар «бир-бирларининг ўз сиёсий, социал, иқтисодий ва маданий системаларини эркин равишда танлаб олиш ва ривожлантириш ҳуқуқини, шунингдек ўз қонунларини ва маъмурий қоидаларини белгилаб олиш ҳуқуқларини ҳам ҳурмат қиладилар». Ички ишларга аралашмаслик принципи эса Кенгашда қатнашган давлатларнинг ушбу баёноти билан бошланади: Кенгашда қатнашган давлатлар» бошқа қатнашувчи давлат билан ўзаро муносабатларидан қатъий назар, унинг ички компетенциясига дахлдор ички ёки ташқи ишларига бевосита ёки бавосита, якка тартибда ёки коллектив равишда ҳар қандай аралашишдан ўзларини тийиб турадилар».

Ана шундай аниқ-равшан қоидалар баён этилган экан, Ғарбдаги баъзи арбобларнинг совет халқи томонидан ўз мамлакатида ўрнатилган социалистик ижтимоий системага қарши, совет жамиятининг қонунларига қарши чиқаётган кимсаларни ўз ҳимоясига олиш йўлидаги уринишларига қандай баҳо бериш мумкин? Бу — Совет Иттифоқининг ички ишларига аралашишдир. Бу — Якунловчи актни, унда баён қилинган принципларни ҳурмат қилмасликдир.

Учинчидан, Якунловчи актга мувофиқ, Белградда ўтказиладиган учрашувдан кузатилган мақсад — Европада хавфсизликни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантиришга бағишланган кенгашда қатнашган давлатлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни яхшилаш тўғрисида, кескинликни юмшатиш жараёнини келгусида ривожлантириш ҳақида фикрлашиб олишдан иборатдир. Ҳар ким ўзи лозим топганидек, ана шундай фикрлашиб олишга тайёрланмоқда, албатта. Аммо Белградданги учрашувга ҳар қандай Буковскийлар ёрдамида ҳозирлик кўраётган кишилар давлатларнинг вакиллари учрашувга шу хилдаги гапларни рўкач қилиб келган тақдирда учрашув нималарга олиб келиши мумкин эканлиги тўғрисида ўйлаб кўришаётганмикин?

А. ПЕТРОВ,
ТАСС сиёсий обзорчиси.

„Совет Ўзбекистони"да босилгач...

«КООПЕРАТОРЛАР УЛУШИ НЕГА КАМ?»

Газетамизнинг шу йил 21 январь сонида юқоридаги сарлавҳа билан босилган танқидий мақолада Тошкент область матлубот союзига қарашли шаҳар кооператив савдоси фаолиятидаги камчилик ва нуқсонлар кўрсатилганди. Унда жумладан, колхозчилардан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиб, шаҳарда бу маҳсулотлар билан кенг савдони ташкил этиш масаласи қониқарсиз ҳал қилинаётгани, айниқса, аҳолидан гўшт, сут харид қилиш ёмон аҳволдалиги фактлар билан асослаб берилган эди.

Ушбу мақола юзасидан Ўзбекистон матлубот жамиятлари республика союзидан қуйидаги мазмунда жавоб олинди:

Мақола «Ўзбекбирлашув» ва Тошкент область матлубот союзи правлениеларида муҳокама қилинди. Мавжуд камчилик-нуқсонларни бартараф этиш юзасидан тегишли қарор қабул қилинди. Шаҳар кооператив савдоси фаолиятини жонлантириш мақсадида «Ўзбекбирлашув» бошқармаси бошлиғи М. Саидазимов «Ташгоркоопторг» директорлиги вазифасига тайинланди. Шаҳар аҳолисини ўз вақтида қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлашдек муҳим вазифага юзаки қараганликлари учун область матлубот союзи кооператив савдоси бошқармаси бошлиғи С. Кудряшов ва «Ташгоркоопторг» директори вазифасини бажарувчи Т. Ёқубжоновларга маъмурий чора кўрилди.

Шаҳарликларга кооператив савдоси хизматини яхшилаш мақсадида қишлоқ аҳолисидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини харид қилиб олиб шаҳар меҳнаткашларига сотишни кўпайтириш мақсадида кўшимча 5 та махсус магазин, 10 та қабул пункти очиш планлаштирилди. Байтқўрғон ва Янгийўл совутиш комбинатлари зиммасига шаҳар кооператив савдосини қишин-ёзин кенг ассортиментдаги сифатли қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаб туриш вазифаси юклатилди.

«Ўзбекбирлашув» правлениеси ишлаб чиққан тадбирларда шаҳар аҳолисини гўшт, сут ва бошқа маҳсулотлар билан таъминлашни янада яхшилаш кўзда тутилган.

ЖОНАЖОН ВАТАН БЎЙЛАБ

(ТАСС).

АВТОМОБИЛЬ ҲАРАКАТИНИ АВТОМАТИК БОШҚАРИШ

Қозоғистон пойтахтида светофорлар олдида тўхтаб турган автомобиллар сони ва тўхтаб қолиш муддати камаяётганлиги рўйхатга олинди. Айни вақтда шаҳар автомобиль ва электр транспортининг ўртача тезлиги анча ошди. Бунга Олмаотанинг энг муҳим магистралларида транспортни бошқариш автомат системасининг биринчи навбати ўзлаштирилганлиги натижасида эришилди.

Система комплекси тез ҳаракат қилувчи электрон-ҳисоблаш машинасидан программа қурилмаси ва жуда кўп электрон датчиклардан иборат. Бу датчикларнинг бир қисми чорраҳаларда ўрнатилган. Бу эса шаҳар транспортининг мақбул тарзда ҳаракат қилишини таъминлаб туради.

ҲАМИША БИРИНЧИ

Тикувчи Е. В. Зайцева «Латвия» ишлаб чиқариш бирлашмасида бу йил олтинчи янгликни ўзлаштиришга киришди. У бирлашмада 16 йилдан бери янги моделларни неча марталаб ишлаб чиқаришга жорий этди. Аммо у ассортиментларни шу қадар тез ва сифатли равишда ҳеч қачон ҳозиргидек янгилаб турмаганлигини эътироф қилмоқда. Е. В. Зайцева «Беш йил ичида икки шахсий топшириқни бажарамиз» шиори остида бошланган ташаббусни республика новаторлари орасида биринчи бўлиб қувватлаб чиқди. У «Латвия ССРнинг энг яхши тикувчиси» унвонига сазовор бўлди ва Октябрнинг 60 йиллиги шарафига юбилейгача тўрт йиллик топшириқни бажариш мажбуриятини олди ва ўз ваъдасини шараф билан бажармоқда.

Корхонада неча юзлаб кишилар Е. В. Зайцева изидан бориб, ҳозирги вақтда икки йиллик планларини муваффақият билан адо этмоқдалар. Энг яхши илғорлар беш йиллиқнинг учинчи йили ҳисобига ишламоқдалар. Бирлашма коллективи Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб равишда кутиб олишга тайёрланиб, қўшимча равишда 500 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқаришга қарор қилди.

КОРХОНАЛАРДА КИТОБ МАГАЗИНИ

Нон булка комбинатида жамоатчилик асосида китоб магазини очилди. Бу Ашхободнинг йирик корхоналари, муассасаларида очилган ўн иккинчи китоб магазинидир.

Туркманистон пойтахтининг энг йирик корхонаси — Ленин номли ойна комбинати ходимларининг ҳам ўз китоб магазини бор. Корхона территориясида махсус қурилган бинода жойлашган китоб магазини ҳамма вақт гавжум бўлади. Бу ерда сиёсий, бадиий ва болалар учун ёзилган янги китобларни, фан ва техникага доир китобларни олиш мумкин. Ҳар бир ходимнинг уйида ўз кутубхоначаси бор. Кўп ишчилар яқинда комбинатда тузилган китоб мухлислари жамиятига аъзо бўлдилар.

КУНЛАРИМИЗ ТАРОНАСИ

Ёш композитор К. Яҳёевнинг симфонияси биринчи марта Тожикистон филармониясининг концертлар залида янгради. Муаллиф ўзининг бу асарида ўтган йили кузда жонини фидо қилиб бўлса ҳам галлани ёнгиндан сақлаб қолган трактор чи Толбек Лолаевнинг жасоратини мадҳ этган. Толбек ўқиган Данғара посёлкасидаги ўрта мактабга 24 ёшли комсомолнинг номи берилган, симфония эса қаҳрамоннинг мусиқавий ёдгорлиги бўлиб қолди.

Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган музикали туркум Тожикистон филармониясида ана шу концерт билан бошланади. Республика композиторлари Норак ва Рогун ГЭСи қурувчилари, Вахш ва Ҳисор водийларидаги пахтакорлар, ёш талабалар ва ўқувчилар ҳузурида ўз маҳоратларини намойиш қиладилар.

МАШИНА ТОКНИ ПАЙВАНДЛАЙДИ

Тбилиси яқинидаги Дигоми ремонт-механика заводида ток пайвандлайдиган машиналар кўплаб ишлаб чиқарила бошланди. Йил охиригача корхона 150 комплект тайёрлайди, беш йиллик охиригача эса, уларнинг сони уч мингтадан ошиб кетади.

АХБОРОТ

ҚАРДОШЛИК УЧРАШУВЛАРИ

Яқинда областнинг Киров районига Тожикистон ССРнинг Конибодом районидан бир группа меҳмонлар келишди. Қўшни район вакиллари орасида революция ва меҳнат ветеранлари, партия ҳамда совет ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари, фан, маданият арбоблари бор эди.

Мароқли ўтган учрашувда мезбонлар қардош республика вакилларига 60 йил давомида район хўжалик ва маданият қурилиш борасида қўлга киритган улкан муваффақиятлар тўғрисида сўзлаб бердилар. Махсус лекция ва докладларда

ФАРҒОНА

Киров райони областнинг машъал районига айланганига қадар босиб ўтган йўли, районда маданият, халқ маорифи мислсиз тараққий этганлиги атрофлича ифода этгирилди. Меҳмонлар район хўжаликлари, саноат корхоналари фаолияти, экономикаси, ишлаб чиқариш илғорлари билан учрашдилар.

Меҳнаткашларда яхши таассурот қолдирган бу учрашув область партия комитети пропаганда ва агитация бўлими томонидан уюштирилди. Фарғона область партия комитети Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги муносабати билан қардош Тожикистоннинг Ленинобод ҳамда Қирғизистон ССРнинг Ўш области шаҳар ва районлари билан Фарғона области шаҳар ҳамда районлари ўртасида ижтимоий-сиёсий ўқиш кунлари программасини тузди. Конибодом — Киров райони куни ана шу қардошлик учрашувларининг дебочаси бўлди.

САВОЛ-ЖАВОБ КЕЧАСИ

Қишлоқ меҳнаткашларига маданий-маиший хизмат кўрсатиш қандай йўлга қўйилган? Аҳолининг китоб, маданий моллар, газлаштириш, алоқа воситалари, йўл қурилишига доир талаблари қай даражада амалга оширилаётган бўлса ҳам, ҳали бу борада кўпгина ишлар қилиниши керaклиги маълум бўлди, бирмунча аниқ, конкрет талаблар ўртага ташланди.

Ахборот кечасида район партия комитети бюроси аъзолари иштирок этишди. Область партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири ўрток М. Маъруров турмуш маданиятини оширишга оид тадбирлар тўғрисида сўзлади.

ТАЖРИБА ОММАЛАШАДИ

Мана, бир неча йилдирки, мактаб ўқитувчиси Абдураззоқ Зоҳидовнинг номи областда энг яхши агитатор сифатида тилга олинади. Киров районидаги «Москва» колхозининг 9-бригадасида ўн йилдан бери муттасил агитаторлик қилиб келаётган ғоявий жангчи чиндан ҳам ҳар бир суҳбатни ҳаёт билан, бригаданинг, колхознинг кундалик иши билан узвий боғлаб олиб боришга, бригада аъзоларининг кунглига йўл топишга ва уларни янги марраларни эгаллашга даъват эта билади. Бинобарин, бригада аъзолари эришаётган улкан меҳнат зафарларида агитатор А. Зоҳидовнинг ҳам муносиб улуши бор. Бригадада сўнгги ўн йил ичида пахта ҳосилдорлиги 17 центнердан 52,4 центнерга кўтарилди, пахта майдони эса 50 гектардан 70 гектарга етди.

Агитатор Абдураззоқ Зоҳидовнинг жанговар ва таъсирчан иш услуби ўрганишга лойиқдир. Область партия комитети унинг иш тажрибасини оммалаштиришга доир карор қабул қилди.

О. ҲАКИМОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

Тошкентдаги боғдорчилик ва манзарали дарахт кўчатлари етиштирувчи совхоз соҳибкорлари шу кунларда қизғин ишлар билан банд. Совхознинг парник хўжаликларида республикамиз пойтахтининг хиёбонлари ва гулзорлари учун ниҳоллар ҳозирланмоқда. Суратларда: гулчилар П. Ваҳобова, Н. Бабаян, З. Баёзовалар (чапдан) кўчатларни нўздан нечиришмоқда. Ж. Ашурова эса, янги узилган гуллардан гулдаста ҳозирламоқда.

И. Глауберзон фотолари.

СОВЕТ ТУРМУШ ТАРЗИ:

ҲАЁТ САБОҚЛАРИ

Улуғ Октябрнинг мунаввар тонгини кўрган, унинг ҳаётбахш нуридан баҳраманд бўлган оналаримиздан бири — Сирдарё областининг Гулистон районидаги «Ўзбекистон» колхозида яшовчи Бибимайрам СУЛТОНМАҲМУД қизи ҳикоя қилади:

Салкам бир асрлик умримдан баъзи бир воқеаларни эслашга ва ҳикоя қилиб беришга қарор қилдим.

Асли Фарғонанинг Бешариғиданман. Қиз болалик чоғларимни, оиламизнинг қай йўсинда тирикчилик ўтказишини бир қадар эслайман. Ота-онам йўқсил, қўли юқа одамлар эди. Уйимиздаги бор бисотимизни тўпласа бир эшак аравага юк бўлмасди. Эгни-бошимиз ҳам шунга яраша. Мана бу қиз бола кийдиган кийим, мана бу ўғил болалик буюм, бу баҳорлик, бу ёзлик, бу қишлик эгни-бош деган гапни мен эшитганмасман. Қаламбўз барча учун бирдай қўйлаклик эди. Вақти келганда ўша ҳам борга бор, йўққа йўқ.

Лекин ўзига тўқларнинг, бойваччаларнинг юрганига ер ёриларди. Онда-сонда бойларнинг болалари кўчакуйларимиздан ўтиб қолгудай бўлишса қарай бериб кўзларимиз қамашарди. Бошқа буюмни-ю қўйинг, калиш деганингиз пиёда у ёқда турсин, отлиқларга аранг топиларди. Қора совуқ, қишларда бола тутул катталарнинг яланг оёқ юриши ажабланарли эмас эди. Тамаддимиз — худонинг берган куни жўхори ғўжа. Жума, душанба оқшомлари барча уйларда ис чиқариларди. Бунда ҳам бор-борича, йўқ-ҳолича. Тунги чироғимиз — ўтнинг ёруғи бўларди. Бошқани билмадим, бола бўлиб мактаб бетини кўрганим йўқ. Кўпинча отам ҳам ўзининг авом эканлигидан зорланарди.

Ота-онам мени жуда ёшлигимда узатишган. Бундай қисмат ўша вақтлардаги ҳамма қизларнинг бошида бор эди. Кимга қуёвга чиқяпман? Ўз тақдиримни кимга топширяпман? Бу ота-онамнинг ҳохиши билан бўлаётган савдо эди. Улар менга ёмонлик соғинишмас ахир? Бу гапларга ақлим етиб-етмайди. Тўй ҳам ой ботгандай тез ўтди.

Менинг бахтимга қайнанам кўп қарамли, мурувватли аёл экан. Оилаларига қўникканимча ўз болосидай асраб-авайлаб юрди. Парвариш қилди. Йиғласам юпатди, ўкинсам овутди. Борабора барига кўникиб кетдим.

Қайнонам умр бўйи менидан марҳаматини аямади. Кўнглимни оғритмади. Бир куни ота-онамни, укаларимни соғиниб, тун бўйи йиғлаб чиқдим. Эрталаб қоқларимнинг шишиб кетганини кўрган қайнонам бир оз койиган бўлди. Эртаси куниёқ йўлга тушдик. Онам шўрликнинг қувончи ер кўкка сиғмас эди. Қудагайлар ҳулди эгачи-сингилдай туни билан ҳасратлашиб чиқишди. Қайнонам иккигаппинг бирида ишимдан, юриш-туришимдан хурсандлигини онамга қувонқувона айтарди. Униб-ўсишимни тилаб, ҳаққимга дуолар қиларди. Бу — менинг ота-онамга олиб берган биринчи мукофотим, биринчи раҳматим эди.

Бир донишманд бу дунёни бир қизга ўхшатган экан. Шу ўхшатишда бир ҳикмат бор. Бундай деганим: киши қариган сайин дунёнинг дунёлигини теран тушуна борар экан. Кишининг ҳеч қариги келмайди. Айниқса, ҳозирги замонда. Тўқчилик, тўкинчилик, фаровонлик. Магазинларга кириб қолган кишининг ақли шошади. Бозорларимизнинг ободлигини айтмайсизми? Ёш-ялангларнинг кийинишини кўриб кўнгил қувонади. Қайта-қайта замонга шукур қилгинг келади. Шунчаки, бир меҳмон кутишга қилган харажатларимиз илгариги ўрта ҳол бир кишининг маъракасидан ошиб тушади. Бу ўтишни биз ўз кўзларимиз билан кўрдик. Она сутидай ҳалол бу нозу-неъматларимизнинг, бу бойликларимизнинг ҳаммаси меҳнат туфайли юзага келяпти. Деҳқоннинг илгариги меҳнати ҳозирги меҳнатидан неча бор қийин, машаққатли эди. Бироқ хирмон кўтариш чоғлари ўроқда йўқлар, машоқда йўқлар кўпайиб кетишарди. Мен кенг феълимиз, кўз-кўз қилса арзирли урф-одатларимиз ҳақида гапирмоқчийдим. Одамнинг одамга ишонгани яхши. Ҳамма яхши фазилатлар шу ишончдан келиб чиқади. Меҳру-оқибат бор ерда файзу-барака бор. Ёшларнинг одоби, келинчакларнинг иффатли, кўёв йигитларнинг икромли, қарияларнинг ҳамиятли бўлганига нима етсин!

Илгарилари бирон оиланинг бузилишини одамлар ор деб билишарди. Оила, унинг олтинга бергусиз қоидалари олдида айрим ёшларни кечириб бўлмайди. Ҳозирги тўйларга қилинаётган сарфу харажатлар, товоқ олиб, товоқ қайтаришлар, керагидан зиёда зиёфатлар такаббурликдан, нонтепкиликдан, тантиликдан бошқа гап эмас. Боласини эрка қилиб, талтайтириб ўстираётганларнинг ҳам ҳолини кўраётибмиз. Ҳамма нарса болаликдан бошланади. Фарзандларимизнинг камтар, камсуқум, меҳнаткаш, ҳожатбарор, хаёли бўлиб ўсганига нима етсин. Баъзи ёшларнинг кўча-куйда юрганини кўриб ёқа ушлайсан, киши. На қиз, на йигитлигини билиб бўлмайди. Ўшаларнинг ҳам ота-онаси бордир. Ўқийдиган мактаби, ишлайдиган ери бордир. Нега улар тергамайди?

Бу кампир жуда баланддан келди деювчилар ҳам бўлар. Кўпчилик-да. Ўрни келганда отангни аяма деган гап бор. Ўрни келди, ҳаддим сиғиб гапирдим. Ўнингсиз, оила тартиботи масаласида ялладиган жойимиз йўқ. Тўнгич ўғлимиз Тиловолди — мироб. Ғуломжон билан Собиржонлар — ҳизматчи. Кенжа ўғлимиз Нуъмонжон — шофер. Офтобхон қизимиз далада ишлайди.

Келинларимизнинг ҳаммаси кўрса кўргудай, кўнгил тўлгудай. Бир-бирига елкасидан қарашганини ҳозиргача кўрганимиз йўқ. Неваралараларимизнинг бари бир ерга тўплангудай бўлса қирқ-эллик кишилик меҳмонхона торлик қилади.

Бир вақтлари соат таққан кишига одамлар ҳайрат билан қарашарди. Обиравондан кўйлак кийган келинчакларнинг кетидан эргашиб қолардик. Шайтон арава минган кишининг олдидан ўтиб бўлмас эди. Патипони бор киши — бутун бир даҳада эътиборли киши саналарди. Қишлоққа биринчи машина келган кезларда барча уни пана-панадан туриб томоша қилишганди. Аэроплан қишлоқ тепасидан биринчи бор учиб ўтганда кўп кишилар «худойи» қилишганди.

Олтмишинчи йилги гап: телевизор олган бир қариндошимизникига дастурхон тузаб қуллуқ бўлсинга боргандик. Эндиги кунда эса иккининг бирида енгил машина. Юқорида қандай кунда келин бўлиб тушганимни айтдим. Ҳозирги келин тушаётган уйларнинг таърифи эртакларда ҳам айтилмаган. Меҳмонхонаси бошқа. Дарсхонаси бўлакча. Ошхонаси алоҳида. Етоқхонаси бир чеккала. Болалигимизда билан бу кунниг тафовути шунчалик. Олдимизда яна қандай оппоқ тонглар, ёруг кунлар туриби. Булар ҳаммаси Октябрь инқилоби туфайли юз берди. Биз мазлумларга бахт эшигини очган Октябрга умрим борича ташаккур айтаман. Биргина менинг камтарин ҳаётимда Октябрь шуъласи ана шундай нур сочиб турибди.

Абдулла Зоҳидович ЗОҲИДОВ

Машҳур олим, 1952 йилдан буёғи КПСС аъзоси, Меҳнат Қизил Байроқ ордени Тошкент Давлат медицина институтининг умумий гигиена кафедраси мудири, Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби, СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзоси, медицина фанлари доктори, профессор Абдулла Зоҳидович Зоҳидов оғир касалликдан кейин 67 ёшида вафот этди.

Абдулла Зоҳидов 1910 йилда Тошкент областининг Қатортол қишлоғида камбагал деҳқон оиласида туғилди. 1928 йили Тошкент медицина техникумини битириб, 1929 йилгача Наманган шаҳридаги дорихона бошқарувчисининг ёрдамчиси бўлиб ишлади. 1933 йили Тошкент медицина институтини битиргач, республика соғлиқни сақлаш системасида турли лавозимларда ишлади. 1939 — 1946 йилларда Совет Армияси сафларида хизмат қилди. Ҳарбий хизматдан бўшагач, Тошкент Давлат медицина институтининг умумий гигиена кафедраси доценти бўлиб ишлади. 1950 йили Ўзбекистон санитария, гигиена, ва профессионал касалликлар илмий-тадқиқот институтининг директори этиб тайинланди. 1967 йилдан шу пайтгача Тошкент Давлат медицина институтининг умумий гигиена кафедрасини бошқариб келди.

1936 йили кандидатлик диссертациясини, 1966 йили эса докторлик диссертациясини ёқлади. Йирик олим Абдулла Зоҳидович Зоҳидов гигиена ва атроф муҳитни муҳофаза қилишнинг актуал масалаларига бағишланган 130 дан ортиқ илмий асарларнинг муаллифи эди. Унинг бевосита раҳбарлигида 4 киши фан доктори, 23 киши фан кандидати бўлди. Тажрибали, иқтидорли педагог, профессор А. З. Зоҳидов институт коллективи ва республика медицина жамоатчилигининг катта ҳурматини қозонган эди.

Профессор А. З. Зоҳидов катта илмий педагогик фаолиятини жамоат иши билан моҳирона қўшиб олиб борди. У Бутуниттифоқ гигиеначилар жамияти правлениесининг, гелронтологлар Бутуниттифоқ жамиятининг, СССР Медицина фанлари академияси умумиттифоқ проблематик комиссияларининг, «Ўзбекистон медицина журнали» редколлегиясининг аъзоси эди.

Абдулла Зоҳидович Зоҳидовнинг самарали илмий-тадқиқот ва жамоат фаолияти Ватанининг юксак мукофотлари билан тақдирланган эди. У Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланган эди. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган врач», Ўзбекистон ССР ва Қорақалпоғистон АССРда хизмат кўрсатган фан ва техника арбоби фахрий унвонлари берилган эди. 1971 йилда А. Зоҳидов СССР Медицина фанлари академиясининг мухбир аъзолигига сайланган эди.

Аҳолиҳо инсон, катта медик олим, принципиал коммунист Абдулла Зоҳидович Зоҳидовнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

Реклама ВА ЭЪЛОНЛАР

«ОЛИС МАСОФАЛАР ҲАМ БИР ҚАДАМ...»

ФАҚАТ АЭРОФЛОТ ТУФАЙЛИГИНА ИНОҒИМИЗ ЯҚИН БЎЛИШИНИ ТИЛА ИШОНЧ БИЛАН АЙТИШ КЕРАК. ДАРҲАҚИҚАТ САМОЛЁТЛАР ҚАТНАЙДИГАН ЙЎЛЛАР ЖУДА ҲАМ ОЛИС.

Масалан, ТОШКЕНТ — ХАБАРОВСК АВИА ТРАССАСИНИНГ УЗУНЛИГИ ДЕЯРЛИ 6 МИНГ КИЛОМЕТР БЎЛИБ, ЎЗБЕКИСТОН АВИАТОРЛАРИ УЧУН ЭНГ УЗОҚ ҲАВО ЙЎЛИ ҲИСОБЛАНАДИ. ИЛГАРИЛАРИ БУТУН БИР КУН, ХАТТО ҲАФТАЛАР КЕРАК БЎЛГАН БУ ЙЎЛНИ ҲОЗИР БИР НЕЧА СОАТ ИЧИДАГИНА БОСИБ ЎТИШ МУМКИН.

Жумладан, республикамиз пойтахтидан Бокуга бориб етиш учун бор йўғи 3 соат вақт кифоя. У ёрга Сизни «ТУ-134» комфортабель самолёти қисқа вақт ичида элтиб қўяди. Яна энг муҳим томони шундаки, Бокуга ҳар куни самолётлар учиб туради. Фрунзе шаҳрига эса ҳар куни бир йўла бир неча самолёт парвоз қилади. Бу масофани босиб ўтиш учун самолётга озғина вақт — 1,5 соат муддат кетади.

Актюбинск, Куйбишев, Уфа ва мамлакатимизнинг кўпдан-кўп бошқа шаҳарларига сизни энг тез учар, қулай ва иқтисодий транспорт воситаси — самолёт элтиб қўяди.

Марказий авиалиниялари бўйича учар экансиз, эсингизда бўлсин ким, жадвал бўйича учадиган самолётларга 15 кун олдин ва учишдан ҳатто 3 соат олдин шаҳар кассаларида билет сотиб олиш мумкин. Кеча-ю кундуз ишлайдиган аэропорт кассаларида эса ҳаттоки, учишдан 20 минут олдин билет сотиб олиш мумкин бўлади.

Тошкентдан неча юзлаб йўл турли манзилларга чўзилиб кетади, уларнинг ичида энг тезкори ва энг қулайи албатта ҳаво йўлларидир.

Ҳозирги кунда 70 га яқин маҳаллий рейслар Тошкентни мамлакатимизнинг турли аҳоли пунктлари билан боғлайди.

«...Об-ҳаво ноқулайликларига кўра рейс кечиктирилади» — бундай эълонлар қиш кезлари пойтахт аэропортининг кутиш залларида тез-тез эшитилиб турарди. Бироқ шунга қарамасдан аэрофлот самолётлари ҳар куни мамлакатимизнинг барча бурчаклари томон парвоз қилади.



Ҳозирги вақтда Ўзбекистон граждан авиацияси бошқармасининг самолётлари 20 дан ортиқ шаҳарларга парвоз қилмоқда. Ана шу линияларда замонавий комфортабел ҳаво лайнерлари ИЛ-18, ЯК-40 ва бошқа самолётлар қатнамоқда.

Ҳар куни Тошкентдан Наманганга қараб 5 та самолёт, Бухоро, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларига 6 та самолёт ҳавога кўтарилади. Қарши, Навоий, Урганч ва республикамизнинг бошқа шаҳарларига ҳар куни бир йўла бир неча самолёт парвоз қилади.

АВИАЦИЯ ЙЎЛГА САРФ ҚИЛАДИГАН ВАҚТИМИЗНИ ТЕЖАБ, ҲАР ВАҚТ БАРДАМ ВА ХУШНУД БЎЛИШИМИЗГА ИМКОН БЕРАДИ.

Самолётларнинг ҳаракати бўйича справкаларни 99-85-61 телефони орқали олиш мумкин.

Марказий агентлик справкаси — 56-06-17 телефони орқали олинади.

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/III да **Флория Тоска.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/III да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 10/III да **Фарғона тонг отгунча,** 11/III да **Гулбаҳор қани?**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/III да **Ун саккиз ёшлигим** (17.30), 11/III да **Скапеннинг ҳийласи** (16.00).

Кино

САНЪАТ САРОЙИ — **Раққоса** (катта зал, кундуз ва кечқурун).

Раққоса — НАВОИЙ номли (11, 14, 17, 20.00), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (11, 13.30 15, 16, 18.30, 20.45), «ЧАЙКА», «КОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Берилмаган отпуска — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Сув париси — «МИР» «НУКУС» (тоқ соатларда).

Коммунист ҳақида қисса — «ЧАЙКА» (12.00).

Ўзбекистон ССР автомобиль йўлларини қуриш ва улардан фойдаланиш министрлиги коллегияси ва коллективи, ҳамда автотранспорт ва шоссе йўллари ходимларининг республика касаба союз комитети Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи, министрлик коллегиясининг аъзоси, «Узмостострой» трестининг бошқарувчиси

Орифхон Одилович ТОШХУЖАЕВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қиладилар.

Низомий номли Тошкент Давлат педагогика институти ректорати, партия комитети ва жамоат ташкилотлари фалсафа кафедрасининг доценти З. Г. Гафуровга акаси

Рустам ҚУЗИЕВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

Тошкентдан гапирамиз ва кўрсатамиз

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — **Янгиликлар.** 10.10 — Гимнастика. 10.30 — Бадиий фильм. 12.00 — Бизнинг биография — 1934 йил. 15.30 — Кинопрограмма. 16.30 — Шахматлар мактаби. 17.00 — Сиз яратган боғ. 17.30 — Рус тили. 18.15 — **Кувноқ стартлар.** 19.00 **Янгиликлар.** 19.15 — **Мультфильм.** 19.35 — Фильм-концерт. 20.10 — **Миллионлар ленинча университети.** 20.40 — **Уч ўртоқ** (бадиий фильм). 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — **«Паяцлар»** (фильм-опера). 00.55 — **Янгиликлар.**

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Зоология. 12.00 — Ҳужжатли фильм. 12.30 — Зоология. 13.00 — Кувноқ стартлар (такрорий). 14.00 — **Ефрейтор Збруевнинг 'етти қайлиги** (бадиий фильм). 18.30 — **Мультфильм.** 18.45 — **«Ёшлик».** 19.15 — Идеология ва ҳаёт. 19.45 — **Ахборот.** 20.00 — «Баҳор» Давлат халқ рақс ансамблининг концерти. 21.00 — **Ахборот.** 21.20 — Концерт 21.50 — «Экспромт». 22.00 — **«Вақт»** (Москва). 22.30 — Қўзилатиш кампанияси қорақўлчиликда масъулиятли давр. 22.45 — **«Нодирабегим»** (бадиий фильм).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.15 — «Олий ўқув юртларида меҳнатни илмий асосда ташкил этиш». 20.15 — «Шамол оҳангида» (фильм-концерт). 20.35 — **Янгиликлар.** 20.50 — Физика.

Радио

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Е. Хатамова ва Х. Лутфуллаев куйлайди. 9.30 — Ўзбек операларидан ариялар. 11.15 — Мирзачўлдаги дастлабки шаҳар. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Жамоатчи мухбирлар ёзадилар. 13.30 — Москва оперетта театри артистлари ижро этадилар. 14.00 — Дала ишлари кундалиги. 16.10 — Чехов ва Чайковский (музикали программа). 19.00 — Сиёсий маориф системасини такомиллаштирайлик. 19.20 — «Ёшлик» радиостанциясининг программаси. 20.25 — Татар куйлари. 21.00 — Қишлоқ бадиий ҳаваскорлик қатнашчилари ижро этадилар. 22.00 — Қишлоқ меҳнаткашларининг талабларига биноан концерт. 22.30 — Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларида.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР

БИЗНИНГ АДРЕС: 700.000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР: Коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142

Р. 14230. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. Индекс 64583. Г. — 57.